

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

В. АЛЕМАСОВ, Ш. МАМАДАЛИЕВ

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ:  
МЕТОДОЛОГИЯ, МЕТОДИКА, ИЖОДИЁТ

*Катта илмий ходимлар-изланувчилар ва  
мустақил изланувчилар учун қўлланма*

Иккинчи қисм

Тошкент – 2016

**Т а қ р и з ч и л а р :**

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори,  
тарих фанлари доктори Р.Ф.Фармонов;**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар идоралари  
офицерларининг малакасини ошириш факультети профессори, юридик  
фанлар доктори А.А. Хамдамов**

**Алемасов В., Мамадалиев Ш.О.**

**А-50 Илмий тадқиқот: методология, методика, ижодиёт.** Катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар учун қўлланма. II қисм. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 52 б.

Ушбу қўлланмада илмий-тадқиқот олиб бориш усуллари ва талаблари ҳақида сўз боради. Жумладан, илмий тадқиқотни баҳолаш усуллари, илмий тадқиқот манбаларини аниқлаш ва шакллантириш, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий қоидалар, илмий янгиликлар ва уларни асослаш, манба, адабиётлардан фойдаланиш ва библиография тузиш тартиблари, ОАК томонидан докторлик диссертацияси ва эълон қилинган илмий ишларга қўйиладиган талабларнинг муфассал ёритилгани ёш тадқиқотчиларда илмий изланиш олиб бориш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил тадқиқотчиларга мўлжалланган.

**ББК 72.4 (5Ў)я 73**

## КИРИШ

XXI аср – интеллектуал индустрия асри. Бугунги глобаллашув даврида қайси давлат фан ва технологиялар соҳасида устуворликка эга бўлса, ўша давлатнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори юқори бўлади. Ана шундай мамлакатлар қаторига АҚШ, Дания, Буюк Британия, Германия, Франция, Хитой кабиларни киритиш мумкин. Ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олишни асосий мақсад қилган Ўзбекистонда ҳам таълим ва фан соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг янги тизими амалиётга татбиқ этилмоқда.

Маълумки, илм-фан тараққиётнинг ҳаракатга келтирувчи кучига айланди. Шу маънода, илм-фанни ривожлантириш олимларнинг фаннинг билим яратиш курали бўлган методлардан қандай фойдаланишига боғлиқ.

Ушбу қўлланма «Илмий тадқиқот: методология, методика, ижодиёт» ўқув қўлланмасининг иккинчи қисми бўлиб, бўлгуси ёш олимларни илмий-тадқиқот ўтказиш методларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини яратишга хизмат қилади. Унда илмий билишнинг назарий ва эмпирик методлари ҳақида умумэътироф этилган фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Қўлланма муаллифлари китобхонлар томонидан билдирилган камчилик ва тавсияларни мамнуният билан қабул қилади ва тадқиқот ишларида улардан унумли фойдаланишади.

## 1-мавзу. Интерпретация (талқин) ва унинг турлари

Интерпретация деганда матнни, асарни талқин қилиш, изоҳлаш тушунилади. Бу ўринда гап илмий талқин устида кетяпти. Демак, интерпретация илмий асарни ёки матнни талқин қилиш, тушунтириш усулидир.

Илмий билиш – ижодий жараён. У, биринчи навбатда, ўрганишни, тадқиқ этишни тақозо этади. Ўрганилган, тадқиқ этилган мавзу матни интерпретация объекти (предмети) бўлиши мумкин.

Талқиннинг кўринишлари қуйидагилардан иборат:

- ижодий талқин;
- танқидий талқин;
- компилятив талқин;
- догматик талқин;
- рационал ва иррационал талқин;
- илмий талқин;
- бадий талқин;
- эркин талқин ва бошқалар.

Ижодий талқин деганда биз объект (предмет)ни ўрганишда уни шунчаки изоҳлашни эмас, балки уни замонавий илмий қарашларга боғлаб, улар синтездан ўтказиб тушунтиришни назарда тутамиз. Унда объектлар (предметлар) тафсилоти эмас, тадқиқотчининг мустақил фикри, ўз ечими ва хулосалари асосий белгидир. Ижодий талқин ижодкор билан ҳамкорликда ижод қилиш бўлиб, матн, асарнинг реал ҳолати тадқиқотчини қониқтирмайди, у матнни, асарни кенгрок, чуқуррок таҳлил қилади. Демак, талқин матнга, асарга нисбатан амалга оширилган ижод усули ҳисобланади.

Танқид ҳам талқин тури, шаклидир. Аммо у матн, асарнинг ҳам ижобий, ҳам камчиликларини очиб беришга қаратилади. Танқидий ёндашув макташдангина иборат бўлмай, у асар, воқеа-ҳодисалардаги камчиликларни ҳам тушунтиради, очиб беради.

Аслида илмий-тадқиқот талқинга қурилади, чунки тушунтириш, изоҳлаш, баён қилиш тадқиқотчи қўллайдиган асосий усуллардир.

Компилятив талқин объект (предмет)нинг реал ҳолатини беркитиш, муаллифга ёки оппонентга тилёғламалик қилиш, «мен сенга тегмайман, сен ҳам менга тегма» қондасидан келиб чиқади. Компильатив талқин охирида санохонликка, йўқ ижобий сифатларни бор қилиб,

бўрттириб кўрсатишга олиб келади. Бу объект (предмет)нинг реал муаммоларини кўриб кўрмасликка олиб келади.

Догматик танқид илм-фан соҳаларида қатъий ўрнатилган, авторитетлар маъқуллайдиган, эркин фикрлашга, иморализмга йўл қўймайдиган тушунтириш, изоҳлаш усули саналади. Илм-фанда интеграция кучайган ҳозирги пайтда догматик ёндашув ижодий изланишларга ғов бўлади, қотиб қолган хулосаларни такрорлашга олиб келади. Изланишларини реал ҳаёт муаммолари билан боғлай олмаслик, объект (предмет)нинг реал ҳолатини етарли ўрганмаслик охир-оқибат тадқиқотчидан буюртмачи эшитишни хоҳлайдиган пастулатларни чиқаришга мажбур қилади. Шунинг учун ҳам, догматик ёндашувдан воз кечмай, илм-фанда бирор янги фикр, гап айтиш мушкул.

Рационал талқин ақлу идрок, билимга асосланган изоҳлаш усули ҳисобланади. Ҳар қандай илмий асар, изланиш ёки эксперимент рационал талқин қилингандагина жамият учун фойдалидир.

Илм-фан рационал талқин тарафдори бўлса-да, баъзан унда иррационал ёндашув ва постулатлар, ёндашувчилар ҳам учраб туради. Кейинги пайтларда дунёвий ва диний билимлар ўртасидаги ғовлар олиб ташланиб, улар синтезига қаратилаётган эътибор иррационал талқинни кенгайтирмоқда. Суфизм, мистицизм, епифицулизм, оккультизм кабилардан фойдаланиш одатий ҳолга айланган. Фикримизча, агар улар илмий, дунёвий муаммоларни ечишга, объект (предмет) реал ҳолатини такомиллаштиришга хизмат қилса, ижобий ҳолдир. Иррационал талқин илмий изоҳга, ақлу идрок талабларига зид чиқмаслиги, балки илмий талқин билан ҳамкорлик қилиши лозим.

Бадий талқин ҳам илмий, рационал хусусият касб этиши мумкин. Бадий асарлар ва матнларни илмий талқин қилиш эстетика ва адабиётшунослик соҳаларини бойитади. Гоҳида соф илмий асар, матн ҳам бадий талқин объектига айланади.

Эркин талқин тайёр қолиплардан ўзган, уларни атайин бузган, изоҳлаш, баён этиш усули ҳисобланади. Масалан, буюк испан мусаввири Сальвадор Далининг «танқидий пароидал методи» мутлақ эркин талқинга қурилган. Эркин талқинда эгоцентризм учрайди. Бу илм-фан, айниқса бадий ижодда тез-тез учраб туради. Тадқиқотнинг оригинал, бетакрор ижодий иш экани асосан талқинда акс этади. Танланган мавзу, қўлланилган усуллар, аниқланган гипотеза, ҳатто, ўтказилган эксперимент-синов ҳам талқин орқали баҳоланади. Шунинг учун,

талқин тадқиқотчининг услуби, ижод маҳсулини тақдим эта олиш маҳорати ифодасидир.

Баъзан тадқиқотчи тақлидий талқиндан фойдаланади. Яъни ўзидан олдинги авторитетларга, уларнинг усуллари ва методикасига тақлид қилади. Бу аслида илм-фандаги ворисийлик принципига амал қилиш ҳисобланади. Тақлидчилик илмий изланишларга киришилаётган илк босқичда кўзга ташланади. Лекин у узоқ давом этмаслиги зарур, акс ҳолда қайтариш, такрорлаш, компиляция юзага келади.

Компилятив талқин фақат салбий жиҳатга эга эмас. Мустақил ёндашишни эсдан чиқармаган компилятив талқин ҳурфикрлиликни ривожлантиради, объект (предмет)ни холисона баҳолашга айланади. Компилятив талқиннинг реал воқеликдан, ҳақиқатдан узоқлашгани нохуш ҳолдир.

Догматик талқинда баъзан трансценденталлик кўзга ташланади. Бундай ёндашув ақлу идрокни чалғитиб, уни тажрибадан, объектив борликдан ташқаридаги муаммолар билан шуғулланишга етаклайди.

Рационал талқин эмпирик тажрибаларга, ижтимоий ҳаётнинг хусусиятларига, илм-фаннинг гуманистик анъаналарига таянади. Ҳар бир инсонга хос фикр юритиш, объект (предмет)нинг реал ҳолатини, уни такомиллаштириш йўлларини ақлу идрок доирасида тушунтириш рационал талқин хусусиятидир.

Илмий талқиндан мақсад билиш ва англаш воқеа-ҳодисаларни, хусусият ва белгиларни тушунтириш, изоҳлаб бериш ҳисобланади. Бу жараёнда билим чегаралари кенгаяди, дунёқарашда, илм-фанда янги категориялар, пастулатлар, назариялар пайдо бўлади. Объект (предмет)даги номаълум белгилар аниқланади. Улар ичида табиат ва жамият қонунларини очиқ бериш, талқин қилиш муҳим ўрин тутди. Қизиқиш ва тажрибаларга, қиёслаш ва эксперимент-синовларга таяниш талқиннинг илмийлигини, қимматини оширади.

Бадий талқинда ҳаётийликка асосий белги сифатида қаралади. Бадий асар ёки матндаги образлар, тасвирларда ҳаёт ифодасига қараб илмий-назарий хулосалар чиқарилади.

## **2-мавзу. Баҳс юритиш усули**

Ижодий фаолиятда фикрлар ўртасида очиқ ёки ёпиқ баҳс, мулоқот, тортишув рўй беради. Яъни ранг-баранг фикрлар, ёнда-

шишлар ўзаро баҳсга сабаб бўлади. Бу мавзунини қизиқарли қилади, аудиторияни мушоҳадага, фикр алмашишга ундайди.

Илмий-тадқиқот баҳс уйғотади, мутлақ баҳс уйғотмайдиган, зиддиятли фикрларга ундамайдиган изланиш йўқ. Яъни илмий-тадқиқот баҳс уйғотишга қурилади, мавзунинг баҳсли хусусияти оппонентларни баҳсга чорлайди. Тўғри, бунда атайин баҳс уйғотиш мақсад қилинмайди. Баҳс – ёндашиш ва хулосаларни ойдинлаштириш, мавжуд қарашларга муносабат билдириш усули.

Баҳс асосий оппонентлар, турли фикрга эга тадқиқотчилар, у ёки бу ёндашиш тарафдорларни ўртасида пайдо бўлади. Баҳс объекти (предмети) танланган мавзуга мувофиқ бўлиши шарт. Агар баҳс мавзудан ташқарида бўлса, тадқиқотни нотўғри талқин қилишга олиб келади, бундай баҳс бошқа мавзулар учун аҳамиятли бўлиши мумкин. Шунинг учун, баҳс мавзу, тадқиқот мақсади, концепцияси атрофида бўлиши зарур. Баҳснинг субъектлари – тадқиқотчилар ва уларнинг асарлари, ғоялари, фикрларидир. Тадқиқотчи улар билан баҳсга киришганида уларнинг субъект, яъни эътироз билдирилаётган ёндашувнинг ижодкорлари, яратувчилари деб билади. Агар асарлар, ғоялар ва фикрлар субъект сифатида келса, тадқиқотчи уларни реал шахслар, у ёки бу концепцияни яратган баҳслар сифатида талқин этади. Фақат тирик оппонентлар эмас, балки қарши ғоялар ва ёндашувлар ҳам баҳс субъектлари сифатида қаралиши мумкин. Масалан, Гегельнинг кратологик ғоялари билан баҳслашганда нафақат файласуфнинг ўзи, кратологик ғоялари ҳам баҳс субъектига айланади. Демак, баҳсга фақат жонли мулоқот пайтида, яъни унинг ғоялари, ёндашувлари билан ҳам киришиш мумкин.

Баҳс анализ ва синтез методининг ифодаси сифатида юзага келади. Ушбу методга асосланиш баҳсни асосли, илмий, рационал қилади. Оппонент ўз далил ва исботларининг қанчалик илмийлигини ушбу метод орқалигина исботлай олади. Ҳа, баҳсда бошқа методларнинг ўрни ҳам катта, лекин улар яқинда анализ ва синтезга бориб тақалади. Шу маънода, баҳс фикр алмашишга қурилиши даркор. Оппонент фикрини эшитмай, моҳиятига етмай фикр алмашишга эришиб бўлмайди. Фақат фикр алмашиш орқали плюрализм, ҳурфикрлилик шаклланади, баҳс конструктив аҳамият касб этади. Ҳатто, йўл-йўлакай билдирилган фикр ҳам кескин баҳсларга сабаб бўлиши мумкин. Демак, илмий тадқиқот моҳиятни баҳс, мусобақа тортишув уйғотадиган фаолият маҳсулидир.

Кўпинча тадқиқот мавзуси ва муаммоси баҳслар уйғотади. Мавзу ва муаммо эса давр, илм-фан тараққиёти талабаларига мувофиқ тез ўзгариб туради, илм-фандаги қолган қарашлар уларни ўзгартиришга, модернизациялаштиришга ҳар доим ҳам тайёр эмас. Натижада, мавзу ва муаммо танлаш турли тортишувларни келтириб чиқаради.

Баҳс мақсад ва вазифаларга, концепцияга бориб тақалса, тадқиқот ёки сохта тасаввур, объект (предмет) реал ҳолатига мувофиқ келмайдиган концепцияга қурилган бўлади ёки у мутлақ янги, ноанъанавий ёндашувларга таянади. Аслида мақсад ва вазифалар тўла аниқлаштирилгач, белгилангач тадқиқотга киришиш маъқул. Тўғри, улар баҳс, танқид, янгича талқин қилишдан ташқарида туролмайди, қололмайди, бирор мақсад ва вазифалари аниқлаштирилмаган тадқиқот эклектизмга олиб келади.

Баҳс кўпинча эришилган хулосалар ҳақида кетади. Маълумки, хулосалар тадқиқот натижасини, эришилган ютуқларни ифода этади. Агар хулоса баҳс уйғотса, демак, тадқиқот натижалари, эришилган ютуқлар оппонентларни бефарқ қолдирмаган, улар оппонентларни фикр алмашишга, янги ёндашувлар излашга ундаган.

Гипотеза баҳс уйғотса, тадқиқотда илгари сурилган идеал ҳолатни янада аниқ тасаввур қилишга ундайди. Баҳс уйғотмайдиган тадқиқот, айниқса гипотеза бўлиши мумкин эмас. Объект (предмет)нинг идеал ҳолатини, унга етиш йўллари тўла ифода этадиган гипотеза йўқ, келажак модели ўзининг номукаммаллиги, гоҳо мавҳумлиги билан турли саволлар, тортишув ва талқинлар уйғотиши табиий ҳол. Шунинг учун, мақсад ва вазифалар ҳам, гипотеза ҳам бутун изланиш жараёнларида муҳокама қилиниб, улар ҳақида баҳс, суҳбат ва тортишувлар келтириб чиқариши мақсадга мувофиқ.

Баҳс – илмий мулоқот, тортишув ва фикрлаш усули. Бироқ ушбу баҳс чексиз бўлиши мумкин эмас, тадқиқотчи қаердадир, қандайдир хулосада тўхташи лозим. Бу билан у бошқа, янги тадқиқотларга мавзу қолдиради.

Илмий баҳс конструктив аҳамиятга эга. У ҳаётий муаммоларни ҳал этишга қаратилгани билан қимматлидир.

Баҳсининг:

- *рационал;*
- *иррационал;*
- *очиқ;*
- *ёпиқ;*



- *индивидуал;*
- *жамоавий;*
- *концептуал (доимий);*
- *тематик (муваққат)* турлари мавжуд.

Мазкур баҳс турлари у ёки бу жихатдан танқид, башорат, гипотеза, каби методлардаги хусусиятларга яқин. Бироқ баҳс оппонентлар ўртасидаги тортишув ёки фикр алмашишни ифода этадиган усул.

Баҳс моностилистика ва полистилистика билан боғлиқ. Моностилистика деганда биз тадқиқотчининг ўзи билан ўзи баҳслашишини назарда тутамиз. Илмий ижод кўпинча тадқиқотчини иккиланишларга, ўз изланишларидан қониқмасликка ундайди, шу жараёнда у ўзи билан ўзи баҳсга (интроспектив) киришади. Полистилистикада тадқиқотчи оппонентлари ёки турли ёндашишлар билан баҳс олиб боради, тортишади. Аслида полистилистик баҳслар тадқиқотни турли синовлардан ўтказиб боришга, бойитишга ёрдам беради. Тадқиқотнинг очиқ муҳокама қилиниши ҳам полистилистик баҳсни, илмий плюрализмни ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Ҳамфикрликка эришиш тадқиқотнинг юксак савияда бажарилганидан дарак бермайди. У консепсус усули сифатида тадқиқотнинг яқунланганини тасдиқлайди. Мутлақ яқунланган, барча муаммолар ечилган тадқиқот йўқ, шундай экан ҳар бир ҳамфикрлик бошқа фикрлар учун мавзу қолдиришини унутмаслик керак. Ҳар қандай тадқиқот объект (предмет)ни ўрганишда бир босқич, холос.

Баҳсга қуйидаги ахлоқий талаблар қўйилади:

- *оппонентнинг шахсини ва фикрини ҳурмат қилиш;*
- *миш-миш гаплардан қочилиш, уларни ишлатмаслик;*
- *огир ва вазмин бўлиш;*
- *ҳамфикрликка, консепсусга интилиш;*
- *инсоннинг ижод қилиш, конституцион ҳуқуқини бузмаслик.*

Баҳс пайтида кўпинча эмоционал туйғуларга, у ёки бу фикрни бўрттириб ифодалашга, кескин танқид қилишга берилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ҳа, тадқиқотчи ўз илмий ғоясини жон-жаҳди билан ҳимоя қилиши мумкин. Лекин бу пайтда қарши фикрни эшитиш, уни рационал баҳолаш керак. Оппонент шахсини танқид қилиш ёки уни камситишдан қочилиш лозим.

Илмий баҳсда кўчадаги миш-мишлардан фойдаланмаслик зарур. Илмий асосланган, ҳаётий тасдиқланган ва тадқиқот салмоғини оширадиган мисоллар, далилларга таяниш унинг аҳамиятини оширади.

Илмий баҳо оппонентлардан оғир ва вазмин бўлишни, танқидда тадқиқот самарасини оширишни назарда тутишни талаб этади.

Ҳар бир киши илмий ижод билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Баҳсда мазкур ҳуқуқни унутмаслик керак.

### **3-мавзу. Танқид методи**

«Танқид» у ёки бу асарни, қараш ёки ғояларни, уларда қўлланган ёндашиш ва хулосаларни баҳолашга қаратилган тушунча ҳисобланади. У инсоннинг ақлий, тафаккур изланишлари маҳсули. Мавжуд ёндашиш ва хулосаларни объектив, холисона баҳолаш танқиднинг кенг тарқалган кўриниши, унга қўйиладиган талабдир.

Танқид турли ғаразли мақсадларни кўзламаслиги керак. Аммо бу танқидда мақсад бўлмайди, объект (предмет)нинг ўзигина танқид бўлиши мумкин, деган фикрни билдирмайди, унда тадқиқотчи ёки реципиент, оппонентнинг ғоявий мақсади иштирок этади. Лекин бу мақсад ижодкор шаънини тўкишга, ундаги камчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали жамоатчилик олдида ўч олишга асос бўлмаслиги шарт.

Моҳиятига кўра, танқид позитив ва негатив кўринишда келади. Объектив танқид уларнинг иккаласидан келиб чиқади, яъни асардаги ижобий томонни ҳам, салбий томонни ҳам қайд этади, баҳолайди. Агар танқид реал позитив жиҳатлигини қайд этиш билан чекланса, у sanoхонликка айланиши мумкин. Аксинча, фақат негатив томонларни, камчиликларни очиб ташлашдангина иборат танқид ғаразли мақсад тарзида қабул қилинади. Шу боис, танқид ҳам позитив, ҳам негатив томонларни очиб беришга, ёндашув ушбу икки томонни холисона баҳолашга йўналтирилиши даркор.

Объект (предмет)га йўналтирилгани нуқтаи назаридан объектив (холисона) танқид, кескин (радикал) танқид ва юмшоқ (компилятив) танқидга ажратиш мумкин.

Холисона (объектив) танқидда объект (предмет)нинг ўзидан, ундаги позитив ва негатив томонлардан келиб чиқилади. Объект (предмет)дан унда йўқ хусусият ва белгиларни излаш холисона ёндашув эмас.

Кескин (радикал) танқид ҳам объектив (холисона) бўлиши мумкин. Бунинг учун объект (предмет)даги камчиликлар, хатолар ҳаддан ташқари кўп, илм-фанга, тузум ёки инсонпарварликка зид келиши зарур. Бундай танқид объект (предмет)нинг мавжуд ҳолати илм-фан ёки тараққиёт талабларига мувофиқ эмаслигини асослашга қаратилади. Аммо радикал танқид келгусида инкор этилиши мумкинлигини унутмаслик керак, чунки бугун рад этилган ёндашув келгусида қайта баҳоланиши мумкин.

Юмшоқ (компилятив) танқидда эътибор объект (предмет)ни хафа қилмаслик, хатоларини «гап тагида гап бор» тарзида эслатиш, гоҳо санохонликка бориб етадиган фикр билдириш усулидан фойдаланилади.

Илм-фанда компиляциялар тўқиш ижобий натижалар бермаган, аксинча, фикрларда догмани шакллантирган, сохта авторитетларнинг пайдо бўлишига, уларга кўр-кўрона эргашишга етаклаган.

Танқиддаги ижобий, фикрни чархлайдиган, плюрализмни шакллантирадиган жиҳат қарама-қарши ёндашувларнинг тўқнашувидир. Қарама-қарши ёндашувлар тўқнашув бир-бирини бойитади, янги бир фикрга, хулосага олиб келади. Агар бу тўқнашув рационал хусусиятга эга бўлса, қарама-қарши фикрлар янада чуқурроқ изланишлар олиб боришга ундайди.

Қарама-қарши фикрлар тўқнашувидан кўрқмаслик керак, улар пировард натижада нотўғри ёндашувдан халос бўлишга хизмат қилади.

Танқидда мантикийлик ва изчиллик, объективлик ва субъективлик ўзига хос тарзда намоён бўлади. Агар танқид мантикий бўлмаса, фикрлар эстетик хусусият касб этади, ёндашувда, матнда изчиллик бузилади. Илм-фанда бу ижобий ҳисобланмайди. Объект (предмет)-нинг реал ҳолати, ушбу ҳолатдаги белгилар флюктация ёки трансформацион ўзгаришлар ҳақида билганларини, аниқлаганларини ўқиши зарур. Тўғри, танқидда субъективлик мавжуд, аммо ушбу субъектив объект (предмет)нинг реал ҳолатидан келиб чиқмоғи шарт. Ушбу ҳолатдан яхши хабардор бўлмаган тадқиқотчи ўз заифлигини авторитетлардан, баъзан муаммо билан ҳеч қачон чуқур шуғулланмаган шахслардан иқтибос келтириш билан яширмоқчи бўлади. Бундай ёндашув илм-фанга деярли ҳеч нима бермайди.

Танқид баҳс уйғотиши билан қизиқарли ва фойдалидир. Баҳс фикрларни тўқнаштиради ва бойитади.

Танқид ва баҳс айнан воқеликлар эмас. Тўғри, улар ўртасида муштараклик бор, яъни уларнинг иккаласи ҳам объект (предмет)нинг реал ёки идеал ҳолатига муносабатдир. Бироқ бу субъектив муносабатлар фикр уйғотишига кўра ҳар хилдир. Масалан, танқид, айниқса компилятив танқид фикр уйғотавермайди, у маълум фикрларни қайтаришдан, уларни мақташдан иборат бўлиб, кишиларни фикрлашга ундайвермайди. Баҳс эса мудом фикр уйғотади, у ёки бу ёндашувга муносабат билдириб, у оппонентни фикрлашга ундайди. Баҳс мудом ранг-баранг ёндашувлар тўқнашуви ёки тажриба алмашишидан иборат. Тортишув, тажриба алмашиш йўқ жойда баҳс кутилган натижага олиб келмайди.

Илмий-тадқиқотда нафақат оппонент фикрларини, балки ўзини-ўзи танқид қилиш ҳам учрайди. Бу тадқиқотчининг илгари билдирган фикрини қайта баҳолаши натижасидир.

Танқиднинг конструктив аҳамиятга эга бўлиши илм-фан талабидир. Ўрганилаётган муаммо ечими ёки унинг реал ҳолати ҳақида амалиёт учун зарур хулосаларга келиш, тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг ҳаёт учун, амалиёт учун зарурлигини исботлайди.

Конструктивлик ижтимоий ҳаёт учун зарур муаммоларни излаш, ўрганиш ва тадқиқотни улар ечимига йўналтиришни назарда тутаяди. Ҳаётий муаммолар билан боғланиш конструктивлик моҳиятини ташкил этади.

Конструктивлик фикрлар плюрализмига таянади, чунки ижтимоий ҳаёт ва муносабатларнинг ўзи ранг-баранг, кўп қирралидир. Мазкур ранг-баранглик, кўп қирралик нафақат объект (предмет)ларда, шунингдек, уларга бўлган ёндашувларда ҳам намоён бўлади. Демак, ижтимоий ҳаётдаги ранг-барангликка ва уларга муносабатлардаги плюрализмга таяниш конструктив ёндашишнинг етакчи белгисидир. Айнан шу нуқтаи назардан у фикрлар плюрализмини юзага келтиради ва шакллантиради.

Танқидга қўйиладиган талаблар:

- *рационаллик;*
- *объективлик;*
- *мантиқийлик;*
- *конструктивлик;*
- *очиқлик;*
- *асослилик;*
- *инновацияга (янгиликка) интилиш.*

Илмий-тадқиқотнинг рационал бўлиши тадқиқотнинг ақлу идрок талабларига мувофиқ олиб борилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот, энг аввало, ижтимоий манфаатлар билан боғлиқ фаолият, изланиш, демак, у ушбу талабларга зид келмаслиги, балки аксинча, уларга хизмат қилиши даркор.

Илмий-тадқиқот очиқликни ёктиради, унинг натижалари матбуотда эълон қилинади, жамоатчилик ҳукмига, мутахассислар муҳокамасига ҳавола этилади. Тўғри, очиқ бўлмаган, давлат органлари билан боғлиқ мавзулар ҳам бор. Аммо улар ҳам шу соҳадаги мутахассислар экспертизаси ва муҳокамасидан ўтказилади.

Тадқиқотнинг мавзуси ва эришилган, чиқарилган хулосалар асосли бўлиши даркор. Яъни танланган мавзунинг ижтимоий ҳаёт, амалиёт учун долзарблиги асосланганидагина, унинг амалий аҳамияти, зарурлиги исботланади. Хулосанинг асосланганлигини эса:

- а) тадқиқотнинг мантиқий хулосасидан;
- б) объект (предмет) реал ҳолатининг идеал ҳолатга етказиш йўллари ёки методикаси ишлаб чиқилганидан;
- в) амалиётга қаратилган тавсиялардан билиш мумкин.

Баъзи тадқиқотлар илмий-назарий хусусиятга эга бўлади, бунда ундаги илгари сурилган янги ғоялар, концепциялар асослилик белгиси сифатида қабул қилинади.

Илм-фан инновацияга, янгиликка интилиши билан қадрли. У мудом фикрдан янгилик излашни талаб этади. Танқид ҳам янгилик излаши орқали илмий хусусият касб этади. Баъзан янги категория ёки ёндашув қўллаш ҳам янгилик излашдир. Аммо янги категория ёки ёндашув излаш чек-чегарасиз бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда спекуляция ва тафтология авж олади.

Илм-фан ижтимоий-ахлоқий императивларга зид бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай илмий кашфиёт, изланиш шаклланган ахлоқий нормаларни мустаҳкамлашга хизмат қилганида жамият, кишилар учун фойдали эканини исботлайди. Илм-фан соҳасида узок йиллар ишлаб, маълум бир ютуқларга эришган олимларнинг шахсиятини, шаънини ҳурмат қилиш бурчимиздир. Аммо бу бурч мавжуд консерватив қарашлари танқид қилишга халақит бермайди.

Танқидда киноя, ҳазил, қочириқ ва масал-маталлардан фойдаланиш нутқни қизиқарли, жозибали ва таъсирчан қилади. Танқидни оғзаки вербал ёки ёзма график шаклларга ҳам ажратиш мумкин. Оғзаки танқид нотиклик санъати билан боғлиқ. Аудиторияда нутқ

сўзлаш, айниқса танқидий фикр билдириш махсус билим ва тайёргарликни тақозо этади. Бунда экстропективлик, яъни нутқнинг аудиторияга, ташқарига йўналтирилганлиги муҳим. Ёзма танқид кўшимча интроспектив хусусиятга эга. У аввал тадқиқотчининг ўй-хаёлида «пиширилади», яъни маълум бир концепция, тезис ёки ёндашув шаклига келтирилади. Шундан кейин асар тарзида чоп этилади.

#### **4-мавзу. Илмий тадқиқотни баҳолаш усуллари**

Илмий-тадқиқотларни баҳолаш ҳар доим баҳсли, унинг меъёрларини топиш эса мураккаб бўлиб келган. Айниқса, ижтимоий фанларда маълум бир мезонларга таяниш, уларни асослаш ва амалиётга жорий этиш қийин. Илмий-тадқиқотларни баҳолаш усуллари икки гуруҳга ажратиш мумкин: *эмпирик (оддий, тажрибага асосланиш) баҳолаш* ва *экспериментал (махсус, илмий синовлар орқали) баҳолаш*. Эмпирик баҳолаш кундалик ҳаётдан, тажрибалардан олинган таассуротлар, фикрлар ва қарашлардан келиб чиқади. Ижтимоий ҳаётни кузатиш жараёнида кишида маълум бир қарашлар, объект (предмет) ҳақида фикрлар шаклланади. Айниқса, объект (предмет)нинг реал ҳолати ҳақида фикр юритмайдиган, ўз мезонларига эга бўлмаган киши топилмайди. Бу фикрлар субъектив, рефлексив хусусиятга эга бўлса-да, илмий изланишлар жараёнига таъсир этмай, тадқиқотчида назарий ёндашишларни шакллантирмай қолмайди. Эмпирик баҳолашда ташқи ва ички омиллар, экстропектив ва интроспектив алоқалар муҳим ўрин тутаяди. Ташқи алоқаларга кишининг ижтимоий муносабатлардаги ўрни, борлиққа таъсири, бошқалар билан функционал алоқалари киради. Тадқиқотчидаги илмий-назарий, фалсафий ёндашувлар кўпинча ижтимоий алоқаларининг инъикоси сифатида келади. Яъни ижтимоий борлиқ унда онгни, ёндашувни, турлича муносабатни белгилайди. Шу нуқтаи назардан эмпирик баҳолаш конструктив аҳамиятга эга.

Кундалик кузатувлар ҳаёт, ҳодиса-воқеалар каби ўзгарувчан, ўткинчидир. Шунинг учун, уни оддий баҳолаш усули деб атаёмиз.

Оддий баҳолаш усули паллиатив хусусиятга эга. Унда кундалик эҳтиёж нуқтаи назаридан келиб чиқилади ва ушбу эҳтиёжга ҳожат бўлмаганида оддий баҳолаш бошқа кўринишга ўтади. Кундалик эҳтиёжлар кетидан эргашиш ёки улардан келиб чиқиш оддий кузатишнинг асосий хусусиятидир.

Оддий кузатишдан йиғилган қарашлар илмий гипотеза ёки назарий хулосалар, концепциялар яратишга хизмат қилиши мумкин. Бу тақдирда улар экспериментал тасдиқланмаган, аммо кундалик кузатувларни умумлаштириш натижаси сифатида келади ва гипотетик хусусият касб этади.

Баъзан оддий, эмпирик баҳолаш илмий, экспериментал баҳолаш сифатида келиши ҳам мумкин. Масалан, олманинг пастга тушишини кузатган Ньютон ундан илмий-назарий концепция яратади. Лекин бу экспериментал, илмий синовни рад этмайди.

Эмпирик кузатув ҳар доим ҳам илмий, экспериментал баҳолашга асос бўлавермайди. Илмий, экспериментал баҳолаш маълум бир назарий концепцияларга таянади. Ушбу концепцияларнинг тўғри ёки нотўғри эканини синаб кўриш, тасдиқлаш учун махсус усуллар ёрдамида лаборатория ёки махсус шароитда эксперимент, тажриба-синов ўтказилади.

Эмпирик баҳолашда рационаллик бўлиши мумкин. У барчага хос хислатдир. Киши ён-атрофидаги воқеа-ҳодисаларни англашга, баҳолашга, улардан маълум бир хулосалар чиқаришга интилади. Ақл-идрокнинг мазкур хусусияти эмпирик баҳолашга оммавийлик касб этади, яъни уни ҳар бир онгли кишига хос хусусиятга айлантиради. Бироқ оддий баҳолаш чекланганини унутмаслик керак. *Биринчидан*, у шахсий, рефлексив хусусиятга эга. Унда шахснинг ички кечинмалари етакчи ўринда туради ва бу кечинмалар кўпинча шахсий эҳтиёж, қизиқиш, манфаатларга таянади. *Иккинчидан*, шахснинг оддий баҳолаши, албатта, илмий тасдиқланган бўлиши шарт эмас. Бу тақдирда оддий баҳолаш плюрализмнинг кўриниши сифатида келади. *Учинчидан*, оддий кузатиш илмий изланиш учун реал ҳаётий муаммони топишга ёрдам беради. Мавзунинг долзарблиги ана шу кузатиш жараёнида асосланади.

Экспериментал баҳолаш усули у ёки бу гипотезани махсус усуллар билан синаб кўриш, тажрибадан ўтказишга қаратилади. Тажриба-синов гипотезанинг тўғри ёки нотўғри деб баҳолашга асос бўлади.

Экспериментал баҳолаш – экспериментлар ўтказиш; кузатув; тажрибага асосланиш; лаборатория; муаммо ёки муаммоли вазият яратиш орқали амалга оширилади.

Эксперимент тадқиқотчи томонидан илмий концепция ва гипотезага мувофиқ ташкил этилади, ўтказилади. Экспериментдан кўзлан-

ган мақсад илмий концепциянинг ёки гипотезанинг ҳаётийлигини, объект (предмет)нинг реал ҳолатини идеал ҳолатга кўтариш йўллари-ни аниқлашдан иборатдир.

Эксперимент илмий концепция ёки гипотезанинг тўғрилигини тасдиқлаши шарт эмас. Бу тақдирда илмий ишдан воз кечилмайди, чунончи, у бошқа тадқиқотлар учун намуна, ибрат вазифасини ўташи мумкин. Яъни бошқа тадқиқотчиларни хатолар ва ёндашувларни такрорламасликка ўргатади.

Кузатув – социологик тадқиқот усули бўлиб, у экспериментал баҳолашда муҳимдир. Объект (предмет) хулқ-атворини ташқаридан кузатиш тадқиқотчига зарур материаллар беради. Экспериментнинг ўзи кузатув усули, ушбу усул орқали у тажриба-синовнинг ҳаётийлигини асослайди.

Тажрибага асосланиш деганда эксперимент натижаларини ҳаётий кузатувларга солиштириш, шу тариқа синовни синаб кўришни назарда тутамиз. Тажриба, эксперимент натижалари тўғридан-тўғри илм-фанга ўтказилмайди, дарров илмий кашфиёт сифатида эълон қилинмайди. Улар реал ҳаётга қиёсланади, ижтимоий борлиқ талаблари синтезидан ўтказилади.

Лаборатория усули махсус ташкил этилган гуруҳ, жиҳозланган хонада ўтказилади. Бу жараёнда бегона объектлар (предметлар)нинг қатнашишига йўл қўйилмайди. Объект (предмет)лар илмий-тадқиқот мақсади ва бажарадиган вазифалари билан олдиндан таништирилади. Лаборатория усулининг натижаларини кенг ижтимоий муносабатларга татбиқ этиш тўғри эмас. Унинг чекланган доирада, муҳитда ўтказилишини унутмаслик зарур.

Муаммоли вазиятлар яратиш ҳам экспериментал методга киради. Мазкур вазиятни тадқиқотчи ёки унинг ёрдамчилари яратади. Муаммоли вазият объект (предмет)ларнинг у ёки бу ҳолатда ўзини қандай тутишини аниқлаш учун яратилади. Аммо уюштирилган муаммоли вазият кишилар ўртасида конфронтация ва конфликтларни авж олдирмаслиги даркор.

Илмий тадқиқотларни баҳолаш мезонларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- *объективлик;*
- *рационаллик;*
- *муаммонинг комплекс ўрганилгани;*
- *тизимли ёндашув қўлланилгани;*



- *натижаларнинг ишончлилиги;*
- *амалиётга фойдалиги;*
- *илмий-назарий янгилиги;*
- *гуманистик зоялар ;*
- *ижтимоий муаммолар ечимига қўшадиган ҳиссаси.*

Мазкур мезонлар каторига тарихийлик, тадрижийлик, долзарблик кабиларни ҳам киритиш мумкин. Шунинг эсда тутиш керакки, мутлақ тўғри баҳолаш усули йўқ, уларнинг ҳар бири ўз аҳамиятига эга.

## **5-мавзу. Илмий-тадқиқот манбаларини аниқлаш ва шакллантириш**

Илмий-тадқиқот аниқ мақсадга йўналтирилган ва олдиндан режалаштириладиган изланиш ҳисобланади. Шунинг учун, унинг манбаларини аниқлаш ва шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Илмий-тадқиқот манбаларини турлича таснифлаш мумкин. Уларни тадқиқот мақсади, характери, объекти, илмий-назарий ёки ижтимоий-амалий йўналиши нуктаи назаридан ҳам гуруҳлаштира бўлади. Фикримизча, тадқиқот манбаларини куйидаги икки турга ажратиб ўрганиш, таҳлил қилиш мумкин:

- *илмий-назарий концепциялар, ёндашувлар;*
- *ижтимоий тараққиёт моделлари;*

Илмий-тадқиқотда ижтимоий тараққиёт моделлари муҳим манба ҳисобланади. Бу моделлар ҳар хил бўлиб, уларда реалистик ёндашувдан утопик ёндашувларгача учрайди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида ишлаб чиқилган, кейинчалик тараққиётнинг «ўзбек модели» муҳим манба ҳисобланади. Кўпгина тадқиқотлар ушбу манбадаги вазифаларнинг бажарилишини ўрганиш ва таҳлил этишга қаратилган.

Ижтимоий тараққиёт моделларида гипотетик ёки утопик элементлар, вазифалар бўлиши табиий ҳол. Чунки, жамият ривожланишининг йўллари юз фоиз тўғри башорат қилиш қийин. Бу ҳол моделларда утопик вазифалар жой олишига ҳам имкон яратади.

Тараққиёт модели, ўз навбатида, стратегик мақсад вазифасини ўташи мумкин. Аммо стратегик мақсад узоқ, баъзан муддати аниқланмаган даврларда амалга ошириладиган вазифаларни ўз ичига олади. Бу вазифаларнинг бажарилиши жамиятнинг саъй-ҳаракатларига ва халқаро ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирига боғлиқ бўлади.

Аммо гоҳида улар бажарилмай қолиши ҳам мумкин. Бунга тарихдан истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистоннинг стратегик мақсади демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш концепцияси ҳисобланади. Ижтимоий фанлар кўпинча уларни ўзига таянч, манба қилиб олади. Илмий-тадқиқотлар учун архив маълумотлари, тарихий манбалар беқиёс материал беради. Уларни излаб, топиш ва ўрганиш илмий-тадқиқотнинг аҳамиятини, қимматини оширади.

Ижтимоий-тарихий ҳаёт, унда кечган жараёнлар, ушбу жараёнларга бўлган муносабатлар қайта-қайта баҳолаши мумкин. Ҳар бир давр уларни ўз мақсадлари нуқтаи назаридан таҳлил этади, ўрганади ва баҳолайди. Бироқ бу тадқиқотчига тарихий манбаларни ўз мақсади ва хоҳишига мувофиқ баҳолаш ҳуқуқини бермайди. Акс ҳолда ўтмишни сохталаштириш, фалсификация юзага келади. Зеро, тарихий манбалар объектив ёндашишни тақозо этади. Шу билан бирга, ўтмиш манбаларда мудом муқобил фикр ва қарашлар мавжуд бўлишини ҳам унутмаслик керак. Тадқиқотчи уларга муқобил ёндашгандагина манбаларни ҳолисона ўрганган бўлади.

Норматив манбаларга халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, нуфузли ташкилотлар қабул қилган нормалар, бюллетень ва конвенциялар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар ва давлат дастурлари, Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармонлари ва расмий аҳамиятга эга кўрсатмалар киради. Бунда мазкур ҳужжатларнинг ўрганилаётган муаммога қанчалик алоқадор эканидан келиб чиқилади.

Статистик манбалардан фойдаланиш мавзунинг реал ҳаёт билан боғлиқлигини очиқ беради ва бу тадқиқотнинг ижтимоий салмоғини ошишига хизмат қилади. Статистик манбалар давлат органлари томонидан текширилиб, расмий тарзда эълон қилиниши мумкин материаллардир. Улар ишончли манба бўлиб, фикрни кўргазмали тарзда асослантиради.

Айтиш керакки, статистик манбаларни меъёрида ишлатиш мақсадга мувофиқ. Масалан, ҳаддан ташқари кўп ишлатилган рақам ва кўрсаткичлар фикрни лўнда ифодалаш имконини камайтиради. Қолаверса, айрим ҳолларда рақамлар зиддиятли фикрларни ҳам келтириб чиқариб, тадқиқот мақсадини мавҳумлаштиради.

Музей манбаларининг илмий, бадиий, эпистимологик аҳамияти катта. Аксарият кўлёмалар музейларда сақланади. Қолаверса, давлат

муҳофазасидаги уй-музейларда ҳам қимматбаҳо манбалар мавжуд Улардан ўринли фойдаланиш тадқиқотнинг қимматини оширади.

Эмпирик ва социологик манбалар деганда реал ҳаётни кузатишдан, махсус савол-жавоблар, анкеталардан олинган материаллар назарда тутилади. Бу материалларни йиғиш, таҳлил қилиб, илмий-назарий концепция нуқтаи назаридан баҳолаш мураккаб жараён ҳисобланади. Эмпирик ва социологик манбаларга таянмайдиган тадқиқотнинг ўзи йўқ. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, ҳамма тадқиқотчида ҳам улардан рационал фойдаланиш кўникмаси бўлавермайди. Аксарият тадқиқотчиларда бундай манбаларни танқидий баҳолаш, илмий-назарий концепция синтезидан ўтказиш малакаси етишмайди.

Эксперимент натижалари ҳам тадқиқотда муҳим манба вазифасини бажаради. Ўтказилган синов-тажриба натижаларини жамлаш, таҳлил қилиш ва улардан объектив хулосалар чиқариш мураккаб иш бўлиб, катта тажриба, аналитик қобилиятни талаб қилади.

## **6-мавзу. Илмий-тадқиқот фарази (гипотезаси)**

Илмий-тадқиқотда объект (предмет)нинг реал ҳолатдан идеал ҳолатга етказиш йўллари, технологиясини аниқлашга ёрдам берувчи гипотеза қўлланилади. Унинг имманент белгилари қуйидагиларда кўзга ташланади:

- *узоққа йўналтирилганлик;*
- *модель яратиш;*
- *тахмин қилиш;*
- *башорат.*

Гипотеза – ҳаёлий тасаввур, модел ҳақидаги қараш, объект (предмет)нинг идеал ҳолатини гипотетик белгилаш усули. У мудом узоққа йўналтирилган бўлади. Ушбу йўналтирилганлик негизида объект (предмет)ни идеал ҳолатга етказиш мақсади ётади.

Узоққа йўналтириш маълум бир реал ҳаётий манбаларга таяниши мумкин. Реал ҳаётда объект (предмет)нинг идеал ҳолатига оид қирралар, белгилар ва хусусиятлар мудом топилади. Тадқиқотчи уларга таянган ҳолда объект (предмет) гипотезасини яратади.

Гипотезада ҳаёлий тасаввур, утопик қарашлар муҳим ўрин эгаллайди. Улар иштирок этмайдиган гипотеза йўқ. Демак, илмий-тадқиқот гипотезаси маълум бир илмий-назарий тенденцияга, қараш-

ларга таянган ҳолда ишлаб чиқилади. Гипотеза ушбу концепция ёки қарашларни исботлаши ёки уларни рад этиши мумкин. Объект (предмет) моҳияти ва реал ҳолатидан келиб чиқмаган гипотеза муаммони юзаки таҳлил қилишга олиб келади, ундан чиқариладиган хулосалар идеал ҳолатга етишга хизмат қилмайди.

Гипотеза башорат билан боғлиқ. Шунинг учун, унда мудом башорат элементи хусусияти бўлади. Башорат эса узоғи билан эллик йилгача қилиниши мумкин, ундан кейин объект (предмет)нинг ҳолатини ҳеч ким илмий башорат қила олмайди. Башорат қилинганда ҳам у интуитив ва футурологик фикр сифатида қабул қилинади.

Гипотезанинг самара бериши объект (предмет) хусусиятларини, генезиси ва ривожланиши йўллари, ташқи перманент алоқаларини яхши билишни тақозо қилади. Ана шу тақдирдагина у илмий характер касб этади.

Гипотеза маълум бир модель тарзида тасаввур этилиши мумкин. Бироқ моделда маълум бир тайёр белгилар, хусусиятлар бўлиши лозим, акс ҳолда уни тасаввур этиш қийин. Гипотеза ушбу моделга етиш усули, технологияси ҳисобланади.

Гипотеза тахминга, баъзида эса таваккалга қурилади. Тахмин этилган йўл тадқиқотни қандай ва қайси томонга қаратишни кўрсатиб туради. Гипотеза тадқиқот бошида тузилади, лекин у илмий изланишлар жараёнида аниқлаштирилиши, баъзан ўзгартирилиши мумкин. Тадқиқот охирида тузиладиган гипотеза илмий-назарий концепциянинг бошида етарли шакллантирилмаганидан далолат беради. Натижада, тадқиқот гипотезага эмас, балки гипотеза тайёр тадқиқотга сунъий бўйсундирилади. Башорат реал ҳаётга асосланганида, объект (предмет) хусусиятлари ҳақида етарли маълумотлар тўпланганида тадқиқот учун фойдали бўлади.

Эмпирик кузатувни илмий гипотеза билан бойитиш объект (предмет)нинг идеал ҳолатига етказиш йўллари аниқлашга, шу тарзда эмпирик кузатувни илмий-тадқиқот даражасига кўтаришга ёрдам беради. Демак, илмий-тадқиқот ўтказиш учун эмпирик кузатувнинг ўзи етарли эмас.

Гипотеза янги ғоя, назар, модель яратишга ҳам қаратилади. Аслида объект (предмет)нинг идеал ҳолати ана шу қарашлар орқали ифода этилади. Аммо баъзи тадқиқотларда янги ғоя, назар, модель яратишнинг ўзи мақсад, гипотеза қилиб қўйилиши ҳам мумкин. Унда

идеал ҳолат эмас, балки янги илмий-назарий концепция яратиш мақсад бўлиб келади.

Гипотеза мавжуд қарашлар ва ёндашувларнинг қанчалик ҳаётий, тўғри, илмий эканини синаб кўришга қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, ушбу қарашлар ва ёндашувларни шунчаки тасдиқловчи гипотеза ёки эксперимент ҳар доим ижобий натижа беравермайди.

Тадқиқотчи ўз олдига мавжуд муаммоларни ечишнинг илмий асосланган йўлларини топишни мақсад қилиб қўяди. Бу мақсад, аввало, объект (предмет)нинг реал ҳолатидан қоникмасликдан келиб чиқади.

Ижтимоий тараққиётнинг динамик хусусияти объект (предмет)га янги-янги вазифалар, хусусиятлар юклайди. Ундан давр талабларига мувофиқ ўзгаришлар яшани талаб қилади. Натижада, гипотеза мудом идеал ҳолатга эҳтиёждан келиб чиқади.

Гипотезани қуйидаги турларга ажратиш мумкин.

- *мантиқий*;
- *гипотетик*;
- *эмпирик*;
- *хаёлий*.

Гипотезанинг мазкур турлари унинг ички хусусиятларига мувофиқдир. Ички хусусиятларда эса муштараклик, объект (предмет) бутунлигини таъминловчи уйғунлик мавжуд. Шу боис, гипотеза турлари бир-бирига диалектик боғлиқ.

Гипотезани махсус эксперимент орқали исботлаш кенг тарқалган. Эксперимент-синов фарзани тўғри ёки нотўғри эканини исботлашга ёрдам беради. Ҳамма эксперимент ҳам гипотезани исботлашни назарда тутавермайди. Баъзан эксперимент иккинчи ёки учинчи даражали масалаларни аниқлаштиришга қаратилади. Лекин асосий эксперимент-синов гипотеза ҳақида бирор маълумот, хулоса бериши шарт. Шунинг учун ҳам, кўпинча асосий эксперимент-синов натижаларига қараб гипотеза ҳақида бирор фикрга келинади. Агар гипотеза тасдиқланмаса, бундан фожиа ясамаслик керак. Тасдиқланмаган гипотеза ўтказилмаган гипотезадан яхшироқ натижа беради, у тадқиқотчини ўз илмий-назарий концепциясига танқидий қарашга ундайди.

Гипотезанинг тасдиқланмаслигига гипотезанинг илмий-назарий концепциядан келиб чиқмаслиги, ўта хаёлий, утопик бўлиши, объект

(предмет)нинг реал ҳолатидан келиб чиқилмагани, илмий тадқиқотга юзаки ёндашиш кабилар асосий сабаблар бўлади.

Гипотеза аналог, индукция, дедукция, моделлаштириш, футурологик ёндашувлар билан боғлиқдир.

Гипотеза яратилаётганида маълум бир аналог ёки ўзида идеал хислатларни акс эттирадиган объект (предмет)дан андоза олинади. Ушбу аналогда ёки прототипдаги ижобий белгилар гипотезага асос қилиб олинади. Мазкур аналог баъзан хаёлий, утопик модель тарзида ҳам келиши мумкин. Аналогдаги белгиларни гипотезага кўчириш индуктив хусусиятга эга. Бундан айрим хусусий белгилардан объект (предмет)лар учун зарур бўлган ижобий белгилар яратишга ўтилади. Аналог индукция учун таянч нукта, андоза вазифасини бажаради.

Дедукция эса хусусий объект (предмет)га, умумийга хос белгиларни татбиқ этишни назарда тутди. Гипотеза индукция ва дедукцияга таянганида хусусий объект (предмет)да умумийга хос жиҳатларни шакллантиришга ёрдам беради. Аммо бу хусусиятдаги ўзига хосликни йўқ қилишга қаратилмаслиги керак. Дедукция объект (предмет)ни аввалги маълум ҳолатига қайтаришни англатади. Агар гипотеза тасдиқланмаса, эксперимент ёки илмий изланиш объект (предмет)нинг аввалги ҳолатига қайтишига халақит бермаслиги зарур. Аслида гипотеза ва унга мувофиқ ўтказиладиган эксперимент-синов объект (предмет)нинг реал ҳолатини ўзгартиришга қаратилгани боис, у объект (предмет)нинг аввалги ҳолатига қайтишини ёқтирмайди. Лекин гипотеза нотўғри қарашга, чуқур ишлаб чиқилмаган режага қурилса, у истайдими ёки йўқ объект (предмет) эксперимент-синовдан кейин аввалги ҳолига қайтади.

Гипотеза мудом футурологик хусусиятга эга. Келажакни у объект (предмет)нинг идеал ҳолатида кўради.

Гипотеза яратилаётганида объект (предмет)нинг келажакдаги белгилари аниқлаштирилиши, яъни қандай белгиларни, хусусиятларни шакллантириш зарурлиги аён бўлиши даркор. Тўғри, уларнинг барчасини мутлақ режалаштириш имкони йўқ, бироқ улар ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиш талаб қилинади.

Гипотеза ва моделлаштириш бир-бирини тўлдириб келади. Ҳар бир моделда гипотетик тасаввурлар мавжуд, аммо ҳамма гипотеза тайёр модель тарзида келавермайди. Гипотеза кўпинча илмий-назарий, охиригача аниқлаштирилмаган гипотетик фикр, тасаввур сифатида келиши мумкин. Модель эса йўналишларини, кўринишларини

мудом аниқлаштиришни тақозо этади. Гипотеза бошқа методлар билан тўлдирилиб, бойитиб борилганида илмий-назарий концепцияга хизмат қилади.

## **7-мавзу. Илмий изланишда башоратнинг аҳамияти**

Илмий-тадқиқотлар маълум бир башоратларга қурилади, унинг негизида объектнинг (предмет)нинг реал ҳолатини такомиллаштиришга қаратилган мақсад, ният, режа ётади. Башорат – идеал ҳолатни аниқлашга, белгилашга, уни хаёлий моделлаштиришга ундайди.

Башорат илмий метод сифатида тадқиқотчининг қаерга ва қандай усуллар билан бориш кераклигини эсига солиб туради. Фикримизча, гипотеза, агар объект (предмет)га шундай имкон берилса, у ўз характерини ўзгартириши мумкин, деган фаразга қурилса, башорат ҳеч қандай «агар»сиз, шундай имконсиз объект (предмет)нинг келажакдаги ҳолатини айтиб беради. У тахминларга эмас, балки интуитив тажрибага асосланишни ёқтиради.

Илмий башорат оддий, кундалик башоратдан фарқ қилади, яъни у илмий тажрибаларга, кузатувларга асосланади. Лекин унда мудом интуитив тажриба таъсири сақланиб қолади. Чунки, илмий кузатувлар ҳам интуицияни мутлақ рад этмайди.

Гипотеза объект (предмет) имконидан келиб чиқади, ушбу имконга у таянч нуктаси сифатида қарайди. Эмпирик кузатувда маълум бўлмаган имкон, утопия уни чалғитиши мумкин. Башорат ушбу имконни ҳисобга олмаслиги, гоҳо соф утопияга таяниши мумкин. Шунинг учун ҳам, у баъзи кишиларга кутилмаган, ғайримантиқий, ғайрихаётий бўлиб туюлади.

Илмий башорат эмпирик кузатувларга таяниши лозим. Эмпирик кузатувлар, тажрибалар илмий башоратга рационаллик, хаётийлик, объективлик касб этади, уни хаёлий, утопик фаразга айланишдан асрайди.

Башоратнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- *илмий;*
- *эмпирик;*
- *рационал;*
- *экспериментал;*
- *трансценентал;*
- *футуристик.*

Илмий башорат қайта-қайта экспериментлар ва тажриба-синовлардан ўтган кузатувларга таянади. Шу соҳада тан олинган экспертларнинг фикрлари, хулосалари илмий башорат учун муҳимдир.

Илмий башорат мавжуд фикрлар ва хулосаларни мутлақ рад этишга эмас, балки уларни тўлдиришга, бойитишга қаратилиши лозим. Ана шунда илмий башорат позитив хусусият касб этади. Илмий башорат мавжуд ёндашишларни қайта синаб кўришни назарда тутиши мумкин. Бу тақдирда у ўтказилган экспериментни қайта ўтказишга, такрорлашга мажбур бўлади. Аслида илмий башорат бирор янги ёндашувга, илмий янгиликка етаклаши даркор.

Баъзан башорат рационал бўлиши шарт эмас, интуитив ёндашиш етарли, деган қарашга дуч келамиз. Буни инкор қилиб бўлмайди, интуитив ёндашиш башоратни сирли, мафтункор қилади. Лекин унинг илмий башоратдаги ўрни унча юқори эмас. Чунки, илмий башорат эмпирик тажрибаларга, экспериментал кузатишларга асослангани учун рационалдир.

Рационал башорат ақлу идрокка, мантикқа ва реал ҳаёт талабларига таяниб объект (предмет)нинг идеал ҳолатига оид фикр, тавсия беради. Бироқ бу фикр ёхуд тавсия мажбурий эмас, уни синаб кўриш ёки рад этиш тадқиқотчининг ихтиёрида. Бирон объект (предмет)ни такомиллаштирмоқчи ва янги хулосаларга эришмоқчи бўлган изланувчи рационал башоратдан фойдаланади.

Экспериментал башорат махсус доирада, лабораторияда, олдиндан белгиланган режага мувофиқ ўтказиладиган тажрибаларга таянади. Эксперимент натижалари изланувчида маълум бир фаразларни келтириб чиқариши мумкин. Бу фаразлар эса қайта экспериментлар, кузатувлар олиб боришга етаклайди.

Башорат шунчаки фараз, фикр тарзида ҳам қолиши мумкин. Илмий башорат эса экспериментал тасдиқланиши билан қимматлидир. Тўғри, эксперимент натижалари илмий башоратнинг тўғрилигини тасдиқламаслиги ҳам мумкин, аммо эксперимент тажриба-синов ўтказилгани ижобий ҳолдир.

Эмпирик башорат орзу, умид, истак объект (предмет)ни тезроқ такомиллашган ҳолда кўришга қаратилади. Аммо бу истаклар илмий башоратнинг рационал фикрлар ва ҳаётий тажрибаларга асосланишини рад қилмайди.

Рационал башоратда анализ ва синтез, ҳаётийлик ва утопикликнинг ўз ўрни бор. Агар анализ ва синтез объект (предмет)нинг ҳола-



тини таҳлил қилса, умумлаштира, ҳаётийлик ва утопиклик уларга тадқиқот манбаси бўлиб хизмат қилади. Яъни юқоридаги методлар башоратнинг ҳаётий ёки утопия эканини очиқ беради, асослайди.

Экспериментал башоратда лаборатория натижаларига таяниш бир томондан, башоратга илмийлик касб этса, иккинчи томондан, объект (предмет)нинг реал ҳолатини сунъий маконда синаб кўришга етаклайди.

Трансцендентал, иррационал башорат теологик, астрологик хусусиятга эга. У илмий башоратдан фарқ қилади ва тажрибадан ташқаридаги фикрларни, объект (предмет)ларнинг мавжудлигини асослашни назарда тутди.

Астрологик башорат ҳам маълум бир эмпирик кузатувлар натижаси бўлиши мумкин. Бироқ ундаги интуицияга, утопияга таяниш илмий башоратга ҳалақит беради. Шунинг учун, астрологик башоратдан фойдаланиш илм-фанда кенг тарқалмаган.

Футуристик башорат келажакни тахмин қилиш, айтиб бериш усули ҳисобланади. Унда утопия, ҳаёл, орзу, умид, истаклар аралашиб келади. Бу башорат келажакни идеал шаклда кўришга мойил бўлиб, кишиларни «жаннатмакон» жой, жамият борлигига ишонтиришга интилади. Аслида ҳар қандай гипотеза ва башоратда футуризм элементлари мавжуддир.

Футуризм ва утопия айнан воқеликлар эмас. Футуризм рационал бўлиши мумкин, утопия эса рефлексив кечинмалар, ғайриҳаётий орзу, ҳаёл ва истаклар ифодаси сифатида келади. Тўғри, баъзида утопия ҳам эмпирик хусусият касб этиши мумкин, бироқ унда объект (предмет)нинг реал ҳолатидан эмас, балки идеал ҳолатидан келиб чиқиш устун туради. Футуризмдаги илмий-рационал белгилар қуйидагиларда акс этади:

- эмпирик тажрибага таяниш;
- илмий-назарий концепциялардан келиб чиқиш;
- объект (предмет)нинг идеал ҳолатини реал ҳолати билан боғлаш;
- башоратни амалга оширишда рационал кучлар ва имкониятларни назарда тутиш;
- жамиятни, кишилараро муносабатларни такомиллаштиришнинг илмий асосланган назарий моделларини ишлаб чиқиш.

Футуристик концепциялар кишиларни келажакка, тараққиётга, жамият имкониятларига ишониб яшашга ундайди, уларда оптимизмни шакллантиради.

Илмий башоратда қўлланиладиган анализ ва синтез, контент анализ, ретроспектив таҳлил, моделлаштириш, гипотеза, эксперимент, кузатув каби методлар унинг имкониятлари кенглигини кўрсатади. Башорат амалга ошмаслиги, айрим ҳолларда илмий-назарий концепцияга зид келиши мумкин. Бу ҳам илмий изланишнинг бир йўлидир. Аммо муҳими, тадқиқот бошида тўғри илмий башорат топиш ва унга интилиш. Башорат чекланганлиги ёки нотўғри чиққанидан қатъи назар, тадқиқотда у албатта бўлиши керак.

## **8-мавзу. Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий қоидалар**

«Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий қоидалар» деган тушунча ҳимояга олиб чиқиладиган илмий янгиликлардан кенг бўлиб, у тадқиқотда эришилган янги фикрлар, хулосалар ва ёндашувлар йиғиндиси. Илмий янгилик эса ана шу фикр, хулоса ва ёндашувлардан энг муҳимларини, илмий жиҳатдан аҳамиятлиларини ифода этади.

Янги фикрлар тадқиқотни бошқа изланишлардан фарқлайди, тадқиқотчининг фикрлаш тарзини, ёзиш ечимини, мавзунини ёритиш усулини кўрсатади. Янги фикрлар янгича талқин ифодаси, ушбу талқинга қараб муаллиф қандай янги фикрни билдираётганини кўради. Янги фикрларга эга бўлмаган тадқиқотда энг йирик илмий янгилик ҳам спекуляция ёки тафтология бўлиб кўринади. Ҳар қандай эски қарашни эса янги фикрлар орқали илмий янгиликка айлантириш мумкин. Гоҳида тадқиқот мутлақ янги ғояни кашф этишга эмас, балки мавжуд ғояларни янгича талқин қилишга қаратилади. Шу тариқа, илм-фанда ғояларни, қарашлар ва ёндашишларни қайта баҳолаш, янги давр талаблари синтезидан ўтказиш амалга оширилади.

Янги фикрларнинг бўлиши тадқиқот олдига қўйиладиган асосий талаблардан биридир. Айнан ушбу фикрлар ҳимояга олиб чиқилади ва илмий янгиликка киритилади. Тўғри, илмий янгиликка барча янги фикрлар киритилиши шарт эмас, лекин объект (предмет)ни идеал ҳолатга етишига оид янги фикрлар келтирилиши лозим.

Янги хулосалар тадқиқот натижаси сифатида келади. Агар янги фикрларни диссертациянинг истаган бети ёки параграфида билдириш мумкин бўлса, янги хулосалар тадқиқот охирида ёки боблар якунида баён этилади. Яъни янги хулосалар янги фикрлар ва янги ёндашувларнинг тадрижий якунидир. Ушбу якун мавзу мантиғига мувофиқ

келиши, мақсад ва вазифалар билан узвий боғлиқ бўлиши шарт. Объект (предмет)нинг идеал ҳолати ҳақидаги янги фикрлар янги ҳулосалар тарзида тақдим этилиши мумкин.

Янги ёндашувлар деганда объект (предмет)нинг реал ҳолатини ўрганишда илгари қўлланилмаган тадқиқот усуллари, ёндашишлардан, фикр ёки концепциялардан фойдаланиш назарда тутилади. Баъзан илгари қўлланилган тадқиқот усуллари, ёндашувлар, фикр ёки концепциялар янги давр нуқтаи назаридан қайта баҳоланиши мумкин. Бу ҳам моҳиятан янги ёндашувдир.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий қоидаларда тадқиқот ўтказишга ундаган мотив ва мақсадлар кўрсатилади. Масалан, қандай социологик, психологик ёки гносеологик мотивлар айнан шу мавзунини танлашга ундагани, уни муаллиф қандай тарзда талқин этгани, мазкур талқиндаги янги фикрлар ва янги ёндашувлар нималарда қисқа, лўнда акс этгани сингари. Мақсадларнинг ўзини такрорлаш эмас, балки улардаги янгилик кўрсатилиши зарур. Улар ҳам янги фикрлар тарзида ифодаланади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий қоидалар илмий янгиликлар ва эришилган натижалар билан узвий боғлиқ. Қоидалар мақсад ва натижаларнинг ОАК талабларига мувофиқ келадиган тартибда баён этилиши, очиб берилиши ҳисобланади. Шунинг учун, ушбу асосий қоидаларни ОАК белгилаб беради.

Баъзан муаммонинг ўрганилганлик даражасини асосий қоидаларга киритиш ҳоллари учрайди. Тўғри, улар қисман, бир-икки жумлада келтирилади. Бизнинг фикримизча, бу ерда тадқиқот мантиғидан чекиниш содир бўлади. Худди шундай фикрни гипотеза, тадқиқот методларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Асосий қоидалар тадқиқот концепциясига мувофиқ бўлиши керак. Лекин «у қандай тарзда амалга оширилади?», деган саволга бирор аниқ жавоб йўқ. Ўз-ўзидан аёнки, тадқиқот бутунлигича маълум бир илмий-назарий концепцияга таянади ва унинг барча қисмлари ушбу концепцияга таяниши зарур. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкин, асосий қоидаларда концепция мақсади ифода этилиши керак.

Илмий-назарий концепциядан ташқаридаги ҳолатларга бевосита тадқиқот мавзусига, унинг методларига тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган ёндашувлардан фойдаланиш киради. Масалан, кейинги пайтларда ижтимоий фанларда математик моделлаштириш, фалсафий

антропологик изланишларда биология усулларида фойдаланиш анъанага айланмоқда. Улар ижтимоий фанларда қўлланиладиган усулларга ҳам, ушбу фанлардан ўтказиладиган тадқиқотлардаги илмий-назарий концепцияларга ҳам мудом мос келавермайди. Лекин мазкур ҳолатлар илм-фан соҳаларида интеграцияни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Асосий қоидалар объект(предмет) хусусиятларидан келиб чиқиб тузилади. Лекин уларда тадқиқотчининг субъектив муносабати ўз ифодасини топмай қолмайди. Бу муносабат гоҳо нообъектив, гоҳо эса тадқиқотчининг хоҳиш-истаклари ифодасидан иборат бўлиб қолиши мумкин. Объект (предмет) ҳолатини ва муаммони чуқур билмаслик бундай ёндашувга олиб келади. Шунинг учун, объект (предмет) хусусиятларидан келиб чиққан хулосалар асосий қоидаларга киритилиши керак.

Ҳа, баъзи тадқиқотлар тор метафизик мулоҳазаларга қурилади, уларда тадқиқотчининг субъектив фикрлари етакчи ўринда туради.

Асосий қоидаларда мавзунинг долзарблиги қайд этилиши кенг тарқалган. Ушбу долзарблик мавзунинг давр, илм-фан тараққиёти учун зарурлигини ифодалаб келади, асосий қоидаларда акс эттирилади. Лекин долзарбликнинг тадқиқот натижалари билан боғлиқ бирикки, энг муҳим қирраси киритилади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий қоидаларнинг илмий-гносеологик аҳамияти илмий натижаларни, хулосаларни қисқа, лўнда таърифлаганда; янги фикрлар ва янги ёндашувларни қиёслаш имкони юзага келганида; ҳар доим илмий натижаларни бойитиш, тўлдириш ёки ўзгартириш мумкинлигини кўрсатганида; янги илмий-назарий концепциялар, моделлар яратишга ундаганида кўринади.

Асосий қоидалар ижтимоий-амалий аҳамиятга ҳам эга. Унда тадқиқот жараёнида шаклланган янги фикрлар, янги хулоса ва янги ёндашувларни амалиётга жорий этиш мумкин бўлган жиҳатлари қайд этилиши ёки эслатиб ўтилиши лозим. Бу ўринда асосий қоидаларнинг ижтимоий-амалий мақсадлар билан боғлиқлигидан келиб чиқилади.

Асосий қоидалар тавсифидаги зиддиятли томонларга қуйидагилар киради:

– асосий қоидалар тадқиқотнинг бутун жараёнидан келиб чиқиб тузилади, аммо уларнинг талқин доираси тор;

– объект(предмет)нинг реал ҳолатини ҳам, идеал ҳолатини ҳам тўлиқ ифода эта олмайди;

– *илмий натижаларнинг чекланган ифодаси, баёни сифатида келади;*

– *тадқиқотчининг субъектив қараишлари, хоҳиш-истакларидан холи эмас.*

Тадқиқотчи ушбу зиддиятли томонларни бартараф этиши эмас, балки муаммони объектив ўрганишини унутмаслиги лозим.

## **9-мавзу. Илмий янгиликлар ва уларни асослаш**

Илмий янгиликда тадқиқотнинг бош мақсади, олдинга қўйилган вазифаларнинг бажарилгани акс эттирилади. Объект (предмет)нинг реал ҳолатини ўрганиш жараёнида олинган натижалар умумлаштирилади, улар янги фикрлар, янги хулосалар ва янги ёндашувлар тарзида ифодаланади.

Илмий янгилик позитив хусусияти билан илм-фанга қўшилган янгилик ва ижтимоий-амалий жараёни такомиллаштириш билан боғлиқ. Тўғри, баъзан тадқиқот негатив натижага ҳам келиши мумкин. Бироқ бундай тадқиқот ижтимоий соҳаларда деярли учрамайди, чунки ижтимоий ҳаётни талқин этишда тадқиқотчи ўзининг субъектив хоҳиш-истакларидан келиб чиқиш имкони беҳад катта. Бу эса ушбу имкониятни аксарият ҳолларда суиистеъмол қилишга, софизмга олиб келади.

Илмий янгиликларнинг кўринишларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- *назарий янгилик;*
- *экспериментал янгилик;*
- *методик янгилик.*

Барча тадқиқотлар назарий янгилик билан қимматлидир. Унда тараққиёт натижаларини илмий-назарий концепция, ғоя, назар сифатида умумлаштирилади.

Назарий янгилик чуқур назарий билим, тайёргарлик ва анализ-синтез методини қўллай олиш кўникмасини тақозо этади. Ўтказилган кузатиш, эксперимент, чиқарилган хулоса, эришилган илмий ютуқлар назарий янгилик сифатида келтирилиши мумкин. Тадқиқотдаги назарий янгилик илм-фанга қўшиладиган асосий ютуқ, ҳисса ҳисобланади.

Илмий янгилик тадқиқотчининг нафақат изланишлари натижалари, шунингдек, ундаги илмий-назарий билим ва тажрибанинг ҳам

ифодасидир. У бошқа тадқиқотлар учун дастур, қўлланма бўлиб хизмат қилади. Илмий янгиликнинг гносеологик аҳамияти шундадир.

Илмий янгилик илм-фан даражасини кенгайтиради, илм-фанга янги фикрлар, янги хулосалар ва янги ёндашувлар олиб киради. Шу тарзда гносеологик тажрибани бойитади.

Тадқиқотлар охир-оқибат фалсафий умумлашма ва мушоҳадаларга олиб келади. Ҳатто, аниқ фанларда эришилаётган ютуқлар ҳам фалсафий мушоҳадалари билан қимматлидир.

Илмий янгилик экспериментал кўринишга эга. Бунда илгари сурилаётган гипотеза тажриба-синов орқали синаб кўрилади. Бу жараёнда нафақат янги фикрлар ва янги хулосаларга келинади, шунингдек, объект (предмет) реал ҳолатини ўрганишда янги метод-ёндашувлардан ҳам фойдаланилади. Бу янги метод-ёндашувларнинг ўзини илмий янгилик сифатида қараса бўлади. Улардан олинган, чиқарилган янги хулосалар илмий янгилик сифатида талқин этилади.

Методик янгиликларга амалиётда жорий этиш учун тавсия этиладиган янгиликлар киради. Бундай тавсиялар илмий кузатишлар ва экспериментлар натижаси сифатида келади.

Методик янгиликлар услубий қўлланмалар, дастурлар, видеодарсликлар тарзида ҳам келиши мумкин. Энг муҳими, улар илмий-назарий изланишларга асосланиши зарур.

Назарий янгилик дунёқарашни кенгайтиради, билим олишга қизиқишни кучайтиради, дунёни, ижтимоий жараёнларни ва одамга хос жиҳатларни ўрганишга ундайди. Назарий янгилик объект (предмет)нинг идеал ҳолатига оид янги фикрларни илгари суриб, гносеологик изланишларни бойитади.

Фалсафий мушоҳадларни назарий янгилик сифатида қараш кенг тарқалган. Улардаги бетакрор умумлашмалар, муаммонинг ижтимоий моҳиятини очиб бериш, инсон ҳаётини, билими ва тажрибасини оширишга хизмат қилувчи ғояларни билдириш назарий қимматга эга.

Назарий янгилик илмий изланиш мантиғидан келиб чиқиши лозим. Илмий изланишлар мантиғидан чиқарилган янги хулосалар, янги фикрлар назарий янгилик хусусиятига эга. Гап шундаки, баъзан эришилган натижалар илмий янгилик ёки илмий янгилик дейиш даражасида бўлмаслиги мумкин. Бу тақдирда мавжуд илмий тажрибалар ва қарашлар жамланади, умумлаштирилади, янгича талқин этилади. Улардаги илмий янгилик ушбу янги талқиндадир. Лекин бу

илмий янгилик ҳам мантиқан асосланиши, яъни тадқиқот мантиғига мувофиқ бўлиши лозим.

Янги фикрлар кўпинча метафизик мушоҳадалар, оппонентлар билан баҳслар, экспериментлар ўтказиш ёки матн устида ишлаш жараёнларида туғилади. Уларнинг илмий янгилик бўлиши шарт эмас. Бунинг учун тажриба-синовлардан ўтиши, тадқиқот концепциясига бевосита тааллуқли бўлиши, назарий билимларни бойитиши лозим. Баъзан янги фикрлар айрим олган мавзуга, параграф ёки бобга тааллуқли бўлиб, илмий-назарий концепцияга бевосита тааллуқли бўлмаслиги мумкин. Янги фикр бор, аммо у бевосита илмий-назарий концепцияга тааллуқли эмас. Бундай фикр илмий янгилик сифатида қаралмаса-да, ундан воз кечмаслик керак, у бошқа, илмий-назарий концепцияга бевосита тааллуқли фикрни келтириб чиқаришини унутмаслик зарур.

Янги фикрларнинг кўплиги илмий янгиликнинг кўплигини билдирмайди. Қандай ва қанча фикрлар илмий янгилик бўлишини аниқ айтиш қийин. Қайси фикрлар янги-ю, қайсилари эскилигини ажратса бўлади, лекин улардан илмий янгилик яшаш ҳар доим тадқиқотчининг ўзига ҳавола.

Экспериментал янгилик тажриба, синов, лаборатория ва махсус яратилган методика асосида ўтказилган кузатишлар маҳсулидир. Ижтимоий фанларда экспериментал кузатишлар ўтказиш имкони жуда кенг. Унга оддий кузатишлардан тортиб, кенг ижтимоий муносабатларни, жамият, давлат, халқаро ҳаётни ўрганишгача киради. Мазкур кузатишлар ва муносабатларни тор доирада, лабораторияда ташкил этиш, ўрганиш мумкин. Энг муҳими, мазкур ўрганиш илмий янгилик тарзидаги янги фикрлар чиқаришга, айтишга ундасин.

Методик янгилик ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Ундаги тавсиялар объект (предмет)нинг идеал ҳолатига яқинлашиш йўллари-ни, усуллари кўрсатиш билан амалий аҳамиятга эга. Улардан илмий янгилик яратиш тадқиқотчининг назарий тайёргарлигига, ижтимоий-амалий аҳамиятга эга фикрларини илмий янгилик тарзида талқин этишига, асослаш тажрибасига боғлиқ. Муҳими, бунда амалиётга йўналтирилган тавсияларни илмий янгилик сифатида асослай олишдир.

Илмий янгиликни асослашга қуйидагича талаблар қўйилади:

- *илмий янгиликни қисқа, лўнда ва тушунарли ифодалаш;*
- *амалий аҳамиятини асослаш;*
- *назарий моделлар яратиш, ишлаб чиқиш;*

- далиллар ва эксперимент натижаларига таяниш;
- тадқиқот мантигидан келиб чиқиш ва бошқалар.

Илмий янгиликни қисқа, лўнда ва тушунарли ифодалаш осон эмас. Метафизик мушоҳадаларга берилиш, айниқса софизм тадқиқотчини сўзамолликка етаклайди, натижада, у илмий янгиликни қисқа ифодалашда қийналади. Тўғри, илмий янгиликни бир жумлада ифодалашни талаб этиш номақбул ҳол. Шунинг учун, ижтимоий фанларда илмий янгиликни кенгроқ, баёнчилик тарзида келтириш учрайди. Лекин илмий янгиликни қисқа, лўнда ва тушунарли ифодалаш – ОАК талаби эканлигини ҳам унутмаслик керак.

### **10-мавзу. Тадқиқот хулосаларини шакллантириш ва умумлаштириш**

Хулоса тадқиқотнинг энг муҳим қисми, илмий изланишларнинг мағзи ва натижасидир. Тадқиқотчи қандай ютуқлар ва янгиликларга келгани хулосада акс этади.

Тадқиқот хулосалари – параграфларга оид хулоса; матн ичидаги хулоса; бобларга оид хулоса; умумий хулосага бўлинади.

Шунингдек тадқиқотга оид экспертлар хулосаси, оппонентлар хулосаси, илмий кенгаш хулосаси ва ОАК хулосаси ҳам мавжуд. Биз юқоридаги тўрт йўналиш билан чегараланамиз, қолган хулосаларга қўйиладиган талаблар ОАК томонидан белгиланган.

Параграфларга оид хулоса сўз юритилаётган мавзуга тааллуқли бўлиб, у шу мавзу бўйича ўтказилган илмий изланишга яқун ясайди. Агар параграф, мавзу бошқа параграфлар, мавзулар билан узвий боғланган бўлса, ундан чиқарилган хулоса боб ва умумий хулосани бойитишга хизмат қилади. Баъзи ҳолларда параграф ва боблардаги хулосалар етарли даражада умумий хулосада акс этмай қолади. Бу ўринда, энг аввало, мавзулар ўртасида узвий боғлиқлик йўқлиги кўзга ташланади.

Параграфлардаги хулосаларнинг бошқа хулосаларга уланиб кетиши талаб этилади. Аслида параграфда ҳали муаммога оид фикр маълум бир якунига етмаган бўлади. Бобдаги хулоса тадқиқот натижаларининг маълум бир қисмига тааллуқли бўлиб, мавзу қисман яқунланади. Боб хулосаси ана шу қисман яқунланганликни ифода этиши даркор. Параграфлардаги хулосаларни бобдаги хулосага элтув-



чи сўқмоқларга қиёслашимиз мумкин. Боблардаги хулосалар эса, ўз навбатида, тадқиқот умумий яқунига, хулосасига элтувчи йўллардир.

Матн ичидаги хулосалар у ёки бу фикрга тааллуқли бўлади. Бу фикрлар мавзуни ёритишда баъзан иккинчи ёки учинчи даражали аҳамиятга эга, яъни тадқиқот концепциясига хизмат қилувчи ёрдамчи усуллар ҳисобланади. Шундай бўлса-да, матннинг бир бутунлиги ана шу ёрдамчи фикрлар ва усулларга боғлиқ. Матндаги хулосалар герменевтик таҳлилга ундайди. Шунинг учун улардан:

- *илмий концепция талабига бўйсунмиш;*
- *илмий услуб, стил яратмиш;*
- *фикрларни диалектик тарзда амбивалентликда талқин қилимиш;*
- *баҳсли фикрлардан илмий мақсадга мувофиқ хулоса чиқармиш;*
- *боблар ва умумий хулосага интилимиш талаб этилади.*

Тадқиқот объекти (предмети) гоҳида изланувчи хоҳиш-истагига бўйсунмаслиги, ўзининг маълум белгиларини намойиш этиши мумкин. Бу жараёнда изланувчи уни илмий концепциясига, мақсади-га бўйсундиrolмайди, натижада, софистик хулоса яратилади. Объект (предмет)нинг имманент хусусиятларига мувофиқ келмайдиган шундай хулоса чиқармаслик учун илмий концепция билан объект (предмет) ўртасидаги фарқларни, зиддиятларни кузатиб, хулосаларда уларни ҳисобга олиб бориш зарур.

Матндаги хулосалар тадқиқотчи услубидан дарак беради. Ушбу хулосаларга қараб, унинг муаммодан қанчалик хабардорлигини билиб оламиз. Аммо ушбу хулосалар, баъзан йўл-йўлакай билдирилган, чиқарилган бўлса-да, параграф ва боблардаги хулосаларга моҳиятан йўналтирилган, уларни шакллантиришга хизмат қилиши зарур.

Параграфлардаги хулосалар матндаги хусусий хулосаларнинг умумлашмаси бўлса-да, улар биргаликда догматик тарзда эмас, балки диалектик тарзда талқин қилиниши лозим. Ижтимоий воқеликлар мудом амбивалент тарзда келади, уларнинг бу белгиларини, хусусиятларини унутиб бўлмайди. Хулосалар бир ёқлама, догматик ёндашув ҳосиласи бўлмаслиги керак.

Бобларга оид хулосаларда ўтказилган тадқиқотга қисман яқун ясалади. Шу билан бирга, унда тадқиқотни давом эттиришни асословчи фикрлар билдирилади. Кейинги пайтларда боблардаги хулосаларда амалиёт учун зарур тавсиялар ҳам беришга интилиш кўзга ташланади. Бироқ ўтказилган изланишларнинг илмий-назарий умумлаштиришга қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Умумий хулоса – тадқиқотнинг мантиқий якуни сифатида изланиш жараёнида шакллантирилган фикрларнинг мажмуаси, ифодаси ҳисобланади. Унда нимага эришилди, қандай илмий янгиликларга келинди, гипотезанинг тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, мақсад ва вазифаларнинг бажарилиш кўлами, илмий аҳамияти, объект (предмет)нинг реал ҳолатида қандай ўзгаришлар рўй бергани таҳлил қилинади ҳамда очиб берилади. Объект (предмет)нинг идеал ҳолати, унга етиш йўллари, усуллари, технологияси тадқиқотчи кўз олдида туриши лозим. Унинг хулосалари тадқиқот ўтказиш технологиясини янада такомиллаштиришга қаратилиши даркор.

Умумий хулосада илмий янгиликларни ифодалаш бош ўринда туради. Тадқиқотнинг илмий қиммати ҳам айна шу хулосага қараб белгиланади. Шу билан бирга, умумий хулосада амалиёт учун зарур тавсиялар берилади. Бу тавсиялар тадқиқот объект (предмет) ини идеал ҳолатда кўришга қаратилган бўлади.

Тавсияларнинг ижтимоий-амалий йўналтирилганлиги қуйидагиларда акс этади:

– объект (предмет)да янги сифатлар ва белгиларни шакллантиришда;

– янги усуллар ёки технология яратилганида;

– янги илмий изланишларга йўл очиб берганида;

– илм-фан самарадорлигини оширишга хизмат қилганида.

Тавсиялар универсал хусусиятга эга эмас. Улар конкрет объект (предмет)нинг идеал ҳолатини шакллантиришга йўналтирилгани учун аниқ технологияни, усулларни ишлаб чиқишга қаратилиши лозим.

Ижтимоий фанларда эришилган натижалар ва хулосаларни амалиётга жорий этиш мудом мураккаб вазифа бўлиб келган. Биринчидан, улар моҳиятан аниқ мезонлар билан ўлчанадиган фаолият тури эмас, иккинчидан, уларнинг хулосалари аксарият ҳолларда синкретик хусусиятга эга, учинчидан эса, ижтимоий-амалий ҳаётда аниқ ва тез кўзга ташланмайди.

## **11-мавзу. Тадқиқот натижалари ва илмий концепциясини ҳимоя қилиш**

Тадқиқот натижаларини ёзма баён қилиш билан уларни оғзаки ҳимоя қилиш ўртасида катта фарқ мавжуд. Баён, яъни уни талқин қилиш тадқиқотнинг ярим муваффақияти, уни очиқ ҳимоя қилиш

бутунлай бошқа муваффақиятдир. Шундай пайтлар ҳам бўладики, тадқиқотчи чуқур, илмий-назарий тадқиқот ўтказган, уни матнда баён қилган, аммо уларни вербал асослантира олмаган. Аслида вербал усуллар эмас, балки илмий-назарий асосланган ва улар ёзма шакллантирилган матнлар, фикрлар ва хулосалар ҳимоя қилинади.

Оғзаки ҳимоя қилиш нафақат мавзуни чуқур билишни, шунингдек, нутқ санъатидан, фикрни асосли тарзда аудитория ва оппонентларга етказа олиш технологиясидан хабардорликни талаб этади.

Тадқиқот натижалари ва илмий-назарий концепциясини ҳимоя қилишда ишлатиладиган усулларга қуйидагилар киради:

- *илмий асарлар чоп этиши;*
- *илмий анжуманларда қатнашиши;*
- *диссертацияни ҳимоя қилиши;*
- *экспертлар ва оппонентлар муҳокамасидан ўтиши.*

Илмий асарлар ўтказилган тадқиқотнинг натижалари, изланувчи эришган ютуқлар, янгиликларни мақола, монография, қўлланма тарзида ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилиш усули ҳисобланади. Улар тадқиқотнинг энг муҳим жойларини баён этади, ёритади, шу тариқа кенг аудитория ўтказилган тадқиқот натижалари билан таништирилади. Илмий асар, айниқса монография диссертациянинг айнан ўзи бўлиши шарт эмас, аммо унда тадқиқотнинг энг муҳим натижалари ва илмий янгиликлари берилиши шарт.

Монография экспертлар муҳокамасидан ўтиши, тақризчиларнинг ёзма фикрини олиши лозим. Монографияга оид илмий баҳс, мутахассисларнинг чиқишлари уюштирилса, матбуотда мақолалар эълон қилинса, тадқиқот қиммати ошади. Интеллектуал баҳснинг йўқлиги, бефарқлик илмий изланишларга бўлган талабчанликни сусайтиради.

Илмий анжуманларда қатнашиб, тадқиқот натижалари билан мутахассисларни хабардор қилиб бориш, улар билан ўзаро мулоқот, баҳсга кириши, фикр алмашиш муҳим аҳамиятга эга. Бу илмий изланишларни кенг аудитория олдида очик ҳимоя қилиш ҳамда синовдан ўтказиш имконини беради. Яъни илмий анжуманлардаги мунозаралар тадқиқотчининг ўз диссертацияси ва концепциясини очик ҳимоя қилишга тайёрлайди. Руҳий тўсиқни, ички ҳадикни бартараф енгмай туриб, асарни муваффақиятли ҳимоя қилиш мушкул.

Диссертацияни ҳимоя қилиш тартибларини ОАК белгилайди. Диссертация ҳимоясига:

- *илмий янгиликлар;*

- муҳим хулосалар ва фикрлар;
- ўтказилган эксперимент;
- объект (предмет)нинг идеал ҳолатига оид натижалар олиб чиқилиши даркор.

Экспертлар ва оппонентлар муҳокамаси тадқиқотни такомиллаштириш имконини беради. Аслида улар диссертацияни очик ҳимоя қилишдан олдинги ҳимоядир. Айнан шу босқичда диссертацияни такомиллаштириш, уни синовдан ўтказиш имкони юзага келади.

Экспертлар ва оппонентларнинг барча фикр-мулоҳазалари ҳам диссертацияни такомиллаштиришга қаратилавермайди. Яъни баъзан кескин танқид ва салбий муносабатлар ҳам учраб туради. Буни илмий баҳснинг бир кўриниши дея қабул қилиш зарур. Бироқ танқидий фикрларга қўшилиш ёки қўшилмаслик тадқиқотчининг ўзига боғлиқ. Иложи борича танқидга эристик (баҳсга чорловчи) муносабат билдиришдан сақланиш лозим.

Диссертация очик, баъзи ҳолларда ёпиқ ҳимоя қилинади. Очик ҳимояда илмий жамоатчилик, муаммо билан қизиқувчи барча кишилар қатнашиши, мунозараларда иштирок этиши, ўз фикрини билдириши мумкин. Ёпиқ ҳимояда тор доирадаги мутахассислар қатнашадилар.

Ҳимоя тадқиқотчини янги-янги тадқиқотлар ўтказишга ундаши лозим. Ўз навбатида, сансалорлик, қоғозбозлик, сунъий тўсиқлар билан тинимсиз курашиш тадқиқотчини ҳолдан толдиради, ундаги қизиқишни сўндиради. Тадқиқот ўтказиш, диссертация ҳимояси изланувчига маънавий қувват бериши, уни янги муаммоларни ўрганишга туртки, стимул бўлиши зарур.

## **12-мавзу. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш технологияси**

Илмий-тадқиқот ва амалиёт, ижтимоий ҳаёт ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Тадқиқот мавзусининг ўзи ҳаётий муаммолар билан боғлиқ бўлиб, унинг мақсади уларнинг ечимини топишга қаратилади. Шунинг учун, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш илмий изланишнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Тўғри, баъзи тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш қийин, бироқ илмий даража олишга қаратилган изланишлардан амалиёт билан боғланиш талаб этилади. Айрим тадқиқотчилар ўз соҳасини мутлақлаштиришга, реал ҳаёт талабларидан юқори қўйишга, ғояларини ўта

субъективлаштиришга интилишади. Эзотерика, мистика ва спиритуалистик изланишларда бундай ёндашув яққол сезилиб туради.

Илмий изланишларда субъективлик одатий ҳол. Тадқиқотчи ҳаёлида шаклланган фикр, ғоя гипотеза унинг илмий фаолиятига, талқинларига таъсир этмай қолмайди. Ушбу субъектив омил тадқиқотда позитив ва негатив роль ўйнайди. Агар у тадқиқот объекти (предмети) талабларига мувофиқ бўлса, унинг идеал ҳолатини ўрганишга, таъминлашга қаратилса, муаммонинг ечимини топса, бу позитив ёндашувдир. Мабодо, у ғайриҳаётий догмаларни шакллантирса, тадқиқотчини трансцендентал изланишларга етакласа, априорини мақтаса, бу шубҳасиз, салбий аҳамият касб этади.

Илмий-тадқиқот аслида дескриптив фаолият, яъни тафсирлаш, тасвирлаш билан боғлиқ изланишдир. Бунда субъектив фикр етакчи ўрин эгаллайди. Аммо дескриптивлик ягона кўрсаткич, мутлақ тўғри белги эмас, у амалиёт билан узвий боғлиқлиги орқалигина тадқиқотни ижтимоий аҳамиятли қилади.

Тадқиқот натижалари қуйидаги усуллар билан амалиётга жорий этилади:

- *монографик усул;*
- *педагогик усул;*
- *прагматик усул ;*
- *методик усул;*
- *маърифий-тарғибий усул;*
- *экспериментал усул.*

Монографик усул деганда биз илмий изланиш натижаларини махсус асар, мақола ёки тезислар тарзида амалиётга татбиқ этишни назарда тутамиз. Бу усул илм-фанда кенг тарқалган. Мазкур усулга маълум бир талаблар қўйилади. Энг аввало, у тадқиқот объекти (предмети)га ва мақсадига мувофиқ ўрганилаётган мавзуга оид бўлиши лозим. Ўқув қўлланмалари, дарслик ва луғатлар илмий тадқиқот-диссертация ҳисобланмайди, аммо уларнинг ижтимоий-амалий аҳамиятини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Шунингдек, монографик усулда шахсан тадқиқотчининг ўзи иштирок этган, бажарган илмий изланишлар, эришган ютуқлар ва янгиликлар қайд этилиши зарур. Диссертация шахсан тадқиқотчи томонидан бажарилиши керак.

Педагогик усул деганда, илмий-тадқиқот натижаларининг ўқув жараёнларига маъруза, амалий дарс, ўқув қўлланмаси, дарслик, тав-

сияномалар, махсус курслар тарзида жорий этилиши назарда тутилди. Ишлаб чиқилган махсус курслар, тавсияномалар ёки қўлланма, дарсликлар ўқув тизими хусусиятларига мос келиши зарур, ана шунда амалиёт бойийди, илмий-тадқиқотнинг самарадорлиги, зарурлиги асосланади.

Педагогик усул дарс бериш жараёнигина эмас, у бутун ижтимоий-тарбиявий ишлар, маърифий-тарғибий усул билан ҳам боғлиқдир. Демак, илмий-тадқиқот натижаларини уларга ҳам жорий этиш мумкин.

Илмий-тадқиқот натижалари ёш олимлар-магистрлар, изланувчилар тайёрлаш жараёнларига ҳам жорий этилади. Илмий маслаҳатчининг фаолиятини ана шундай фаолият тури сифатида қараш зарур.

Тадқиқотчи магистрларга илмий раҳбар ёки маслаҳатчи бўлиш ҳуқуқига эга. Бу жараёнда у ўзининг тадқиқот натижаларидан фойдаланиши мумкин. Шу нуқтаи назардан унинг фаолиятини ўз тадқиқоти натижаларини амалиётга жорий этишнинг бир усули, деб ҳисобласа бўлади. Унинг функцияларига қуйидагилар киради:

- тадқиқоти натижаларидан келиб чиқиб, махсус дарслар ўтиш, факультатив курслар ташкил этиш;
- экспериментлар ўтказиш ва унинг натижаларидан ҳам тадқиқотда, ҳам дарсларда фойдаланиш;
- магистрлар диссертацияларига раҳбарлик қилиш, уларни ҳимояга тайёрлаш.

Бизнинг фикримизча, мазкур илмий-педагогик фаолиятни тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш усули сифатида қараш даркор.

Прагматик усул тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг ижтимоий-ташқилий механизмларидан иборат. Бу механизмларга махсус режа, дастур тайёрлаш, масъул шахсларни белгилаш ва уларни тадқиқот натижалари билан таништириш, қўлланиладиган усулларни аниқлаштириш, эксперимент ўтказиш ва унинг натижаларини муҳокама қилиш, зарур тавсиялар ишлаб чиқиб, уларни илмий ва ижтимоий-тарбиявий институтларга тарқатиш кабилар киради. Бунда асосий эътибор илмий янгиликларни амалиётдан ўрин эгаллашига қаратилади.

Баъзан тадқиқот махсус буюртмалар орқали бажарилиши мумкин. Бунда буюртмачи билан ижрочи-тадқиқотчи ўртасида илмий натижаларни амалиётга жорий этиш, шу тариқа объект (предмет)нинг реал ҳолатини такомиллаштиришга эътибор қаратилади.

Методик усул тавсиялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Тавсияларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик амалиёт ихтиёридадир. Агар амалиёт объект (предмет)нинг реал ҳолатини ўзгартиришни такомиллаштиришни истаса, тавсияларни қабул қилади, тадқиқотчи билан ҳамкорлик ўрнатади. Бундай ҳамкорлик кўп ҳам кузатилавермайди, натижада, тавсиялар қоғозда қолиб кетади. Бизнингча, тадқиқотчи-изланувчи фаол ҳаракат қилиши, амалиётни ўз фикрларини тинглашга ундаши зарур.

Маърифий-тарғибий усул тадқиқот натижаларини тушунтириш, ёйиш, оммалаштиришдан иборат. Бу ўринда тадқиқотчига оммавий ахборот воситалари, интернет, маърифий-маданий тадбирлар, илмий анжуманлар қўл келади.

Экспериментал усул тадқиқот натижаларини тажриба-синовлар ўтказиш орқали амалиётга жорий этишни англатади. Ижтимоий соҳаларда, аввало, кичик гуруҳда ёки бир худудда эксперимент ўтказилади ва унинг натижалари кенг миқёсда жорий қилинади. Экспериментал синаб кўрилмаган, тажриба синовдан ўтмаган тадқиқот натижалари объект (предмет)нинг реал ҳолати ва имкониятлари ҳақида объектив тасаввур уйғотавермайди.

### **13-мавзу. Манба, адабиётлардан фойдаланиш ва библиография тузиш тартиблари**

Илмий-тадқиқот манба, фойдаланиладиган адабиётларни аниқлаш ва уларнинг библиографиясини тузишдан бошланади. Бунда эътибор мавзуга оид:

- *тарихий;*
- *статистик;*
- *экспериментал;*
- *эмпирик;*
- *социологик манбалар аниқланади.*

Тажрибалар кўрсатадики, тарихий манбасига эга бўлмаган мавзу йўқ. Аммо ушбу манбаларни топиш, йиғиш ва зарурларга ажратиш маълум бир вақтни, куч сарфлашни тақозо этади.

Тарихий манбалар объект (предмет)нинг генезиси ва ривожланиш хусусиятларини билишга, англашга ёрдам беради. Объект (предмет)нинг реал ва идеал ҳолатга етиш йўллари уларга зид бўлмайди, аммо ижтимоий тараққиёт таъсирида трансформацияга учраши мум-

кин. Мазкур трансформация ҳам юқоридаги хусусиятларга мувофик кечади. Инқилобий ўзгаришлар, бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш бундан истисно.

Статистик манбаларга давлат органлари, махсус институтлар ва ташкилотлар томонидан расман эътироф этилган, тўпланган маълумотлар, ҳисоботлар, кўрсаткичлар киради. Уларни тўплашда объект (предмет) динамикаси эътиборга олинishi зарур.

Экспериментал манба ўтказилган тажриба-синовларга таянишни англатади. Олдинги тажриба-синовдан олинган хулосалар, янгиликлар ишлатилган усуллар янги экспериментлар ўтказиш учун муҳим. Ҳеч бир тадқиқотчи мавжуд экспериментал тажрибаларга таянмай, илмий янгиликка эришолмайди. Бу тадқиқотчини янглишишдан сақлайди, унинг вақти ва кучини тежайди.

Эмпирик манбалар реал ҳаётдан, муносабатлардан олинади. Уларни танлаш ва таҳлил қилишда анализ ва синтез методидан ижодий фойдаланиш зарур ҳисобланади. Энг муҳими, ҳаётий фактлардан тадқиқот мақсадига мосини танлаб олиш ҳамда унинг ранг-баранг ташқи алоқаларини таҳлил қилишдир.

Эмпирик манбалар кунора ўзгариб, янгиланиб туришини эсдан чиқармаслик даркор. Бу ўзгаришлар гоҳида манбаларни мудом янгилаб туришга ундайди. Натижада, таҳлил ҳам ўзгаради. Демак, эмпирик манбалар билан уларнинг таҳлили ўртасида мудом зиддият сақланиб қолади. Диссертациядаги долзарблик эса тадқиқотчини бугун талабларидан келиб чиқишга ундайди, кечаги эмпирик манба эса ҳар доим ҳам бугуннинг талабига жавоб беравермайди. Бу зиддиятни кеча ва бугун талабларига жавоб бера оладиган эмпирик манбаларни топиш орқали ҳал этиш мумкин.

Социологик манбалар деганда биз социологияда қўлланиладиган кузатув, савол-жавоб, анкета, экспресс-интервью, социометрия, тест усуллари орқали олинган ижтимоий фикр, жавобларни назарда тутамиз. Мазкур манбаларни илмий адабиётлар, социологик марказлар ва ижтимоий фикрни таҳлил қилиб берувчи, мониторинг ўтказувчи институтлардан олиш мумкин.

Фойдаланиладиган адабиётларни танлашда, авваламбор, классик намояндалар меросига мурожаат этиш лозим. Уларнинг асарлари ва ғояларида умуминсоний ёндашиш устувор. Айнан шунинг учун ҳам, ўрганиладиган адабиётлар рўйхати тузилаётганида бу омил назарда тутилади. Ёш тадқиқотчилар учун адабиётлар картотекаси тузиш



тавсия этилади ва бу қандай асарларни ўқиш, ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Картотекани ўзгартириш осон. Янги-янги манбаларни адабиётлар рўйхатига киритмасдан, тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослаш қийин. Шу боис, картотекага иложи борича илмий мавқега эга адабиётларни киритиш керак. Баъзи адабиётлар ижтимоий борлиқнинг фундаментал қоидаларини илғашдан, ўрганишдан чалғитади. Тадқиқотчи буни инобатга олиши керак.

Иқтибослар келтириш икки усул билан амалга оширилади: *биринчиси*, матн пастида, *иккинчиси*, хулосалар охиридаги адабиётлар рўйхатида. Фикримизча, биринчи усул маъқулроқ, чунки матн ўқиладиганда фикр бўлинмайди, вақт тежалади.

Матн (бет) пастида келтириладиган иқтибос асар қайси тилда ёзилган бўлса, шу тилда келтирилади, уни ўзбекчага таржима қилиш шарт эмас. Иқтибос бети ҳам ана шу тилда кўрсатилади.

Умуман, ҳар бир асарда, айниқса илмий адабиётларда библиографик рўйхат келтирилади. Иқтибос библиография қоидаларини тартибга солувчи стандартга мувофиқ берилиши керак.

Изоҳ ва қўшимчалар баъзан ё матн пастида ёки хулосалардан кейинги иловаларда келтирилади. Абревиатуралар (қисқартмалар) эса алоҳида илова сифатида, одатда, асар бошида берилади.

Илмий асарларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтириш анъанаси мавжуд. Унга қараб тадқиқотчи нималарни ўрганганини, қандай ёндашувга мойил эканини сезиш мумкин. Адабиётларни қай тартибда, яъни умумий, алифбо ёки ҳар бир боб бўйича тузиш тадқиқотчининг ихтиёрида.

Дала материалларига мурожаат этиш асосан этнографияда, фольклористикада учрайди. Улар интервью, баён, тавсиф, чизма, архив манбалари тарзида келади.

Архив материалларини келтириш усули кутубхоналар фондидаги рақамларга мурожаат қилишдир. Ҳар бир манба архив материали сифатида қайд этилган, тасдиқланган бўлади. Баъзан шахсий архив материалларига таяниш мумкин, бу тақдирда манбанинг қаерда сақланаётгани кўрсатилиши шарт. Агар манбалар ишончли бўлмаса, фактлар орқали тасдиқланмаса, бу фалсификацияни келтириб чиқаради. Шунинг учун, фойдаланиладиган архив манбаси ишончли, реал ҳаётий фактларни бузиб кўрсатмаслиги даркор. Манбаларнинг кўп-

лиги эмас, балки камлиги тадқиқотни белгиланган муддатда ниҳоясига етказишга халақит беради.

#### **14-мавзу. Тадқиқотда чизма, сурат, график тасвирлардан фойдаланиш**

Тадқиқотда фикрни, ғояни ёдда қоларли ва асосли қилиш учун баъзида чизма, сурат ва график тасвирлардан фойдаланилади. Агар манбалар, далиллар кўп бўлса, уларнинг ҳаммасини талқин ва таҳлил қилиш имконияти чекланган бўлса, бу пайтда график тасвирлар қўлланилади. Масалан, статистик манбалар, анкета жавоблари, интервью, савол-жавоб натижаларини йиғиш, қисқа очиб беришда турли график чизмалардан фойдаланилади.

Чизмалар доира, учбурчак, бир-бирига уланган ва кесма кўринишларда бўлиши мумкин. Яъни улар далилларни кўргазма тарзида ифода этиши даркор.

Чизма ва график тасвирлар эмпирик материалларни жамлаш ва талқин қилишда ҳам ишлатилади. Қайта-қайта такрорланадиган ёки сочилиб кетган эмпирик материалларни ўрганиш қийин бўлган пайтда уларни йиғма ҳолда чизма орқали ифодаласа бўлади.

Чизма ва график тасвирларга маълум бир талаблар қўйилади. Яъни:

- *илмий-назарий концепцияга мувофиқлик;*
- *сочма материалларни йиғма тарзда ифодалаш;*
- *жадвалларда қиёсий усулни қўллаш;*
- *кўргазмали ифодалаш;*
- *таҳлил қилиш.*

Чизма ва график тасвирлар, суратлар диссертацияни бадий безатиш учун эмас, балки материалларни илмий-назарий концепцияга мувофиқ кўргазмали, лўнда таҳлил қилиш учун ишлатилади. Бунда илмий-назарий концепцияга хизмат қилмайдиган чизмалардан қочиш керак. Баъзан тадқиқотчилар оддий, тушунарли материалларни ҳам чизмалар орқали ифодалашга ҳаракат қилишади. Унутмаслик керакки, чизма мураккаб ёки турли-туман материалларни жамлаш, қиёсий ифодалаш, таҳлил қилиб, маълум бир хулоса чиқариш учун зарур.

Чизма – илгари сўралаётган ғоя ёки фикрнинг кўргазмали, тимсолий тасвири. Унда объект (предмет)нинг реал ҳолати ёки унга

бевосита тааллуқли бўлган материалларга оид ғоя, фикр кўргазмали ифода этилади.

Статистик манбалар, рақамлар кўпинча сочма тарзда келади, уларни йиғиш ва чизмаларга жойлаштириш мавзуни етарли ёритиш имконини беради. Келтирилган маълумот ва рақамлар фикрни аниқ ифода этишга, муаммони очиб беришга хизмат қилиши лозим.

Сурат кўпинча далил, факт вазифасини ўтайди. Унда муаммога оид объект (предмет) образли тарзда ифода этилади. Баъзан суратга объект (предмет)нинг ички реал ва идеал ҳолати туширилади ва бу суратнинг ҳам, тадқиқотнинг ҳам қимматини оширади. Бизнингча, фотосурат бир рангда (оқ-қора) бўлгани маъқул, рангли фотосурат матн бадий безатиш сифатида қабул қилинади ва диққатни чалғитади.

Сурат ва чизмалар ё матн ичида, ё иловалар тарзида берилиши мумкин. Чунки, улар матнни, фикрни тўлдирувчи, ёрдамчи воситалардир.

График тасвирлар диаграмма, доира, учбурчак, тўртбурчак, квадрат, жадвал кўринишида ифодаланиши мумкин. Ҳимоядан сўнг диссертация матн ўзгартирилмаганидек, уларни ҳам ўзгартириш ёки янгилаш мумкин эмас.

## **15-мавзу. Иловалар ва уларни шакллантириш тартиблари**

Иловалар кўшимча материал, изоҳ, манба, далил, сурат ва чизмалар, тарзида келади. Шундай бўладики, ўрганилаётган мавзу у ёки бу тарзда кўшимча материал билан тўлдиришни тақозо этади. Ушбу кўшимча материал матн ичига мос келавермайди, тадқиқотдаги фикрни, мантиқни бузади. Шу боис, у илова тарзида келтирилади.

Кўшимча материал сўз бораётган мавзуни тўлиқроқ ёритиши, уни янги манбалар, талқинлар ва изоҳлар билан тўлдирилиши лозим. Изоҳлар ҳам кўшимча материал ҳисобланади, чунки баъзан унда мавзуни аниқлаштирувчи, тўлдирувчи фактлар келтирилади.

Тарихий, этнографик манбаларни келтиришда иложи борича хронологик талабга риоя этиш зарур. Иловалар эса матн тартибига мувофиқ, кетма-кет келтирилади. Уларга матн ичида (1,2,3-илова тарзида) кўрсаткич бериледи.

Далилга суратлар, тарихий манбалар, қўлёзма ёки расмий ҳужжатлар, дастхатлар, нарсаларнинг инвентар ёки фонддаги рақам-

белгилари, нусха материаллар киради. Бунда иложи борича материалнинг оригинал ёки нусхаси бўлиши лозим.

Сурат ва чизмалар, жадвалларни матн ичида ҳам бериш мумкин. Агар улар кўп бўлса, матннинг равон ўқилишига халақит берса, иловаларда келтирилгани маъқул. Улар иловаларда матн тартибига мувофиқ жойлаштирилади. Анкета нусхалари иловаларда ўтказилган социологик сўровномаларни тасдиқловчи далил, манба, ҳужжат сифатида келтирилади. Уларга қўшимча материал, изоҳлар талаб қилинмайди, социологик сўровномаларнинг натижалари иловада эмас, матнда келтирилади ва таҳлил қилинади. Анкеталар оддий респондентлар, экспертлар, айрим аҳоли гуруҳлари учун тузилиши мумкин, улар иловаларда келтирилиши лозим.

Иловаларда интервью варақалари, уларга олинган жавоблардан нусхалар (жамланган ҳолда) жой олиши мумкин. Улар алоҳида рақамланади.

Аудиотасвирлар, турли овозли ёзувлардан фойдаланилганда, айниқса этнографик тадқиқотларда улар далил сифатида қайд этилади ёки ашё сифатида келтирилади. Бунда улар иложи борича тадқиқот мазмунига, мақсадига яқин бўлиши керак, акс ҳолда бундай иловалар илмий аҳамият касб этмайдиган материалга айланади.

Иловаларда график тасвирлар ва суратлар келтирилганида уларнинг матни мувофиқлигини, илмий аҳамият касб этилишини у ёки бу ғояни, фикрни исботлашга хизмат қилишини ҳисобга олиш зарур.

ОАК талабига мувофиқ иловаларни айрим тўплам ҳолида ҳам жойлаштириш мумкин. Аммо бу тўплам ҳам матн тартибига мувофиқ тузилади. Иловалар тадқиқотга хизмат қилганидагина, илмий аҳамиятга эга.

### **16-мавзу. ОАК томонидан докторлик диссертацияси ва эълон қилинган илмий ишларга қўйиладиган талаблар**

Талабгор илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация *талабгор ўтказган тадқиқотлар ва у яратган ишланмалар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик долзарб илмий ёки амалий муаммо ҳал қилинган; тегишли фан соҳасининг истиқболли йўналишини ривожлантиришида маълум бир ютуқ деб баҳолаш мумкин бўлган янги назарий қоидалар мажмуи ишлаб чиқилган; фан, техникани ривожлантиришига ҳамда ижтимоий-*

*сиёсий соҳани ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишга ҳисса қўшадиган илмий асосланган ечимлар ўз ифодасини топган юқори малакавий илмий асар бўлиши керак.*

Диссертация талабгор томонидан шахсан тайёрланган, ошкора ҳимоя учун илмий жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилган, янги илмий ҳолатлар ва амалий натижаларнинг мажмуини ўз ичига олган, моҳияти жиҳатидан ички бирликка эга мазмунан яхлит ва тугалланган бўлиши ҳамда талабгорнинг шахсан фанга қўшган ҳиссасини акс эттириши лозим.

Назарий аҳамиятга молик диссертацияда олинган илмий хулосалардан фанда фойдаланилганлиги, амалий аҳамиятга молик диссертацияда эса, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг долзарб муаммоларининг ечими ва илмий натижалардан амалиётда фойдаланилганлиги тўғрисида маълумотлар акс эттирилади.

Диссертация натижаларининг фанга, амалиётга татбиқ этилганлиги ёки ташкилотлар томонидан жорий қилиш учун қабул қилинганлиги юзасидан асосли ҳужжатлар Кенгашда муҳокама этилиб, аттестация ишига илова қилинади.

Илмий маъруза шаклидаги диссертация талабгор илмий ишини мунтазам бажарган ва унинг асарларида эълон қилинган, ушбу фан соҳасининг мутахассисларига маълум бўлган фан ва амалиёт учун катта аҳамиятга молик натижаларнинг қисқача умумлаштирилган баёнидан иборат бўлади.

Илмий ишнинг аҳамияти, илмий маъруза шаклида диссертацияни ҳимоя қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса талабгорнинг асосий тадқиқотлари ўтказилган ташкилот томонидан берилади. Илмий маъруза шаклидаги диссертацияни ҳимоя қилиш учун ОАК Раёсатининг руҳсати бўлиши зарур.

Диссертация мавзуси долзарб ҳамда республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишлари билан боғлиқ бўлиши лозим. Диссертация мавзуси олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгаши томонидан тасдиқланади.

Мавзу тўғрисидаги маълумот диссертация мавзуси тасдиқлангандан сўнг «ОАК Бюллетени» журналида эълон қилиш учун ОАКга юборилади.

Диссертация ҳимояга қабул қилингунга қадар унинг мавзусига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Диссертация кириш қисми, камида тўртта боб, асосий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлган шаклда расмийлаштирилади. Унинг титул варағи ва диссертация автореферати муқовасининг орқа томонида битта илмий маслаҳатчи кўрсатилади. Зарур ҳолларда ОАК рухсати билан иккинчи илмий маслаҳатчи ҳам кўрсатилиши мумкин, ихтисосликлар кесишган жойда бажарилган диссертациялар учун ОАК рухсати талаб этилмайди.

Кенгаш томонидан ҳимояга қабул қилинганидан сўнг диссертация ва унинг авторефератига ўзгартиришлар киритилиши мумкин эмас. Диссертация мавзуси бўйича фойдаланилган адабиётлар асосан охириги ўн беш йил ичида эълон қилинган бўлиши керак.

Диссертацияда фойдаланилган адабиётлар рўйхати талабгорнинг хоҳишига кўра алифбо тартибда, тизимли ёки матнда ҳавола қилиш кетма-кетлиги тарзида келтирилади. Фойдаланилмаган ва ҳавола қилилмаган адабиётларни рўйхатга киритиш мумкин эмас.

Талабгор ўз диссертациясида фойдаланган материаллар манбаини, уларнинг муаллифи ва номини тўлиқ кўрсатиши лозим. Талабгор диссертацияда илмий иш ёзишда иштирок этган ҳаммуаллифларнинг ғоя ёки ишланмаларидан фойдаланган тақдирда, буни диссертация ва диссертация авторефератида қайд этиши шарт.

Ҳаммуаллифликдаги илмий иш натижалари фақат биргина талабгорнинг диссертациясига тўла-тўқис киритилиши мумкин. Ўзганинг материалдан унинг муаллифи ва манбаини кўрсатмасдан фойдаланилган ҳолларда диссертация у қайси босқичда кўрилаётган бўлишидан қатъи назар, муҳокамадан олиб ташланади ва талабгор ушбу мавзу бўйича диссертацияни қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Талабгор томонидан эълон қилинган илмий ишлар диссертациянинг ҳимоя қилинаётган асосий натижаларини акс эттириши керак. Диссертация натижалари халқаро ва республика доирасида ўтказиладиган илмий конференцияларда, семинарларда, давра суҳбатларида апробациядан (муҳокамадан) ўтказилиши шарт.

Диссертациянинг асосий илмий натижалари ОАК рўйхатидаги илмий журналларда ва бошқа даврий илмий нашрларда эълон қилиниши лозим. Диссертация бўйича талабгорнинг эълон қилинган илмий ишларининг умумий сони ўн бештадан кам бўлмаслиги ва улардан камида ўнтаси ОАК рўйхатидаги илмий журналларда эълон қилинган бўлиши керак.

Ижтимоий гуманитар ва иқтисодий соҳалари бўйича диссертация натижалари юзасидан монография эълон қилинган бўлиши керак.

Талабгорнинг диссертация мавзуси бўйича камида иккита мақоласи ОАК рўйхатидаги тегишли фан соҳаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли ихтисослашган илмий журналларида, шунингдек, иккита мақоласи халқаро илмий-амалий конференция материалларида, шундан биттаси хорижий мамлакатларда ўтказилган конференция материалларида эълон қилинган бўлиши шарт.

Талабгор томонидан эълон қилинган мақолалар талабларга жавоб бермаган, лекин диссертация юксак илмий ёки амалий аҳамиятга эга бўлган ҳолларда, диссертациянинг ҳимояси масаласи, истисно тариқасида, ОАК Раёсати томонидан ҳал қилинади.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган муҳофаза (эгаллик) ҳужжатлари, препринтлар, илмий хариталар, илмий анжуман, конференция, симпозиум ва семинарларда қилинган маърузаларнинг эълон қилинган тезислари, корхоналар куриш, уларни кенгайтириш, модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларининг технологик қисмлари ҳам диссертациянинг илмий натижаларини акс эттирувчи эълон қилинган ишлар жумласига киради.

Диссертация мавзуси бўйича интеллектуал мулк объектларига бўлган муҳофаза (эгаллик) ҳужжатлари шу фан соҳаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг ихтисослашган илмий журналларида эълон қилинган мақолалар сифатида ҳисобланади.

Олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгаши қарори билан чоп этилган ва камида олти босма табақ ҳажмдан иборат бўлган монография республикада чоп этиладиган ихтисослашган илмий журналларда эълон қилинган мақола сифатида ҳисобланади.

Дарсликлар, ўқув қўлланмалари, услубий кўрсатмалар ва бошқа ўқув-услубий ишлар диссертациянинг натижаларини акс эттирувчи эълон қилинган илмий ишлар жумласига кирмайди.

## **17-мавзу. Илмий-тадқиқотнинг гуманистик ва социоантропологик моҳияти**

Илмий изланишларда баъзан танқид, ҳатто, ниглистика рад этиш учраса-да, у илм-фаннинг позитивга йўналтирилганини рад этолмай-

ди. Позитивни излаш ва позитивни, яъни ижобий нарсаларни қарор топтириш илм-фан устига юклатилган асосий вазифадир.

Илм-фанда тарихан икки ёндашув шаклланган: *алогенетик ва идеогенетик*.

Алогенетик ёндашувда муаммо, мавзу инсоннинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори орқали талқин қилинади. Ҳар бир муаммо, мавзу инсоннинг хатти-ҳаракатларига, хулқ-атворига гуманистик моҳият бахш этишга қаратилади. Бу аслида гуманистик антропологик ёндашувдир.

Алогенетик ёндашувни кенг тушуниш керак. У фақат инсоннинг хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворини ўрганиш билан боғлиқ барча социологик, психологик, ижтимоий, иқтисодий, маънавий омилларни ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Хулқ-атворнинг реал ҳаёт, эмпирик тажриба, ижтимоий алоқалар билан боғлиқ жиҳатлари ҳам алогенетик ёндашувни қизиқтиради. Илмий ижод, пировард натижада, нафақат илмий билимлар ва тажрибаларни бойитади, у кишиларда гуманистик ахлоқ, одоб ва хулқ-атворни ҳам шакллантиради.

Идеогенетик ёндашув деганда, инсонга таъсир этувчи, унинг дунёқараши ва маънавий оламини шакллантирувчи ғоявий-руҳий омиллар назарда тутилади. Илм-фан, тадқиқот – идеогенетик ёндашув маҳсулидир. Уларда мудом маълум бир ғоя, концепция илгари сурилади. Ушбу ғоя, концепция ўқувчиларга, аудиторияга таъсир қилади, уларда илмий дунёқарашни, объект (предметнинг реал ва идеал ҳолати) ҳақидаги тасаввурларни шакллантиради.

Тадқиқотчи маълум ғоялар, қарашлар қарор топган ижтимоий муҳитда яшайди, у ўтказадиган изланиш ана шу идеогенетик омиллардан озиқланмай, улар таъсирини ифода этмай қолмайди. Аммо ушбу таъсир тадқиқот мақсади ва вазифалари синтезидан ўтказилиши шарт.

Илмий изланишлар социоантропологик моҳиятга эга. Инсон ва жамият муносабатлари, ижтимоий борлиқнинг шахс ҳаётига, тасаввурлари ва фаолиятига таъсири социоантропологик воқеликлардир.

Инсон ва жамият ижтимоий фанларнинг мудом тадқиқот объекти бўлиб келган. Улар ўртасидаги реал муносабатларни ўрганиб, илм-фан ижтимоий фойдали соҳа эканини исботлаб келади. Инсон ва жамиятнинг реал ҳолати, ушбу ҳолатни такомиллаштириш масалалари, йўллари зиддиятларга тўла. Ушбу зиддиятлар боисини, негизини ўрганиш ҳамда бартараф этиш технологиясини ишлаб чиқиш тадқиқотларнинг вазифасидир.



Илмий тадқиқотларга қўйидаги гуманистик ва социоантропологик талаблар қўйилади:

- *ижтимоий тараққиёт манфаатларига хизмат қилиш;*
- *рационал фикрлаш, ақлу идрок талабларига мувофиқ яшаш ва фаолият юритиш;*
- *ижтимоий муносабатларни илм-фан тавсиялари ва хулосаларига мувофиқ ташкил этиш, бошқариш, йўлга қўйиш;*
- *инсон ҳаётида, хатти-ҳаракатларида девиант ҳодисаларни камайтириш;*
- *интеллектуал салоҳиятни юксалтириш;*
- *инсоннинг эркин фикрлаш ва илмий ижод билан шуғулланишига ёрдам бериш.*

Ижтимоий тараққиёт манфаатларига хизмат қилиши орқали илм-фан, тадқиқотлар жамият ҳаётига, келажакка таъсир этади. Ҳеч бир тадқиқот объект (предмет)нинг реал ҳолатинигина ўрганиш билан чекланиб қолмайди, у ушбу ҳолатни янада такомиллаштириш йўллари, усуллари ҳам билдиради. Бундан ташқари, ҳар бир илмий янгилик, кашфиёт ижтимоий тараққиётга ниманидир қўшади, инсонлар ҳаётини енгиллаштиради, вақтини, кучини тежайди. Ижтимоий фанлардаги илмий янгиликлар, кашфиётлар натижаси бирданига кўзга ташланмаса-да, улар кишилар янги ва дунёқарашига таъсир этмай, уларда келажакка ишонч туйғусини уйғотмай қолмайди. Келажакка ишонч, оптимизм инсонни янада кўпроқ нарсаларни яратиб, ижтимоий бурч ва вазифаларини керакли даражада бажариб яшашга ундайди. Агар ижтимоий тараққиётнинг силлиқ рўй бермаслигини эсласак, илм-фаннинг қандай олижаноб, гуманистик вазифани бажарётганини сезамиз.

Иррационализмга, мистикага, спритуализмга берилиш кенг тарқалаётган бир пайтда инсонда ақлу идрокка, рационалга ишониб яшаш, фаолият юритиш кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Юқоридаги «изм»лар диний мутаассибликка, экстремизм ва терроризмга етакламоқда, натижада, илм-фан, ақлу идрок яратган нарсаларга қарши чиқиб, ўтмиш билан келажак ўртасида конфронтацияни авж олдирмоқда. Айнан шунинг учун, инсонда илм-фанга, ақл-идрокка ишонч уйғотиш, уни гуманистик идеаллар ва мақсадлар билан яшашга ўргатиш долзарб вазифага айланган.

Илм-фан, тадқиқотлар ижтимоий муносабатларни, жамият ва давлатни бошқаришни, социумдаги алоқаларни илмий хулосаларга

мувофиқ ташкил этиш, олиб боришга хизмат қилади. Мазкур муносабатлар ва фаолият турлари ўзидан-ўзи йўлга қўйилмайди, уларда «хаос»га, деструктивликка интилиш, мойиллик ҳам учраб туради. Илм-фан, тадқиқот натижалари инсонда учраб турадиган девиант хулқ-атвори камайтириш йўллари аниқлайди, уларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқади.

Одам туғилган заҳоти ақлу идрок талабларига мувофиқ яшаб кетавермайди, унинг ижтимоий шахс сифатида шаклланиши илм-фан, тадқиқотлар тавсияларидан ҳам фойдаланишни тақозо этади. Таълим-тарбия, маориф тизими, изланишларнинг ушбу соціоантропологик моҳияти инсон ва жамият ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, улар манфаатларининг уйғунлашувига хизмат қилганидадир.

Интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш илм-фан, тадқиқотларнинг гуманистик функциясидир. Маълумки, инсоннинг маънавий-руҳий олами бепоён, ундаги куч-қувват олами ўзгартиришга қодир. Ушбу ақлий куч-қувватдан унумли ва самарали фойдаланишни илм-фан, тадқиқотлар ўз зиммасига олади.

Илмий изланишлар, интеллектуал ижод инсоннинг конституцион ҳуқуқи ҳисобланади. Эркин фикрлаш, ўзига яқин ижод тури билан шуғулланиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уни ҳимоя қилиш, чет эллик ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилиб, грантларни бажариш инсоннинг ҳеч ким бузолмайдиган ҳуқуқи экани халқаро ҳужжатларда эътироф этилган.

Илмий ижод ҳуқуқи тадқиқотлар ўтказишнинг бошланғич нуқтаси. У инсоннинг илмий изланишларга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлайди, ҳуқуқий механизмлар билан қафолатлайди. Бироқ илмий ижоднинг ўз талаблари ҳам мавжуд. Уларни ҳуқуқнинг мазкур талаблари билан уйғунлаштира олган кишигина илм-фанда янгилик ярата олади, бетакрор ғоялари билан интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга ҳисса қўша олади.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	3
<b>1-мавзу.</b> Интерпретация (талқин) ва унинг турлари.....	4
<b>2-мавзу.</b> Баҳс юритиш усули.....	6
<b>3-мавзу.</b> Танқид методи .....	10
<b>4-мавзу.</b> Илмий-тадқиқотни баҳолаш усуллари .....	14
<b>5-мавзу.</b> Илмий-тадқиқот манбаларини аниқлаш ва шакллантириш .....	17
<b>6-мавзу</b> Илмий-тадқиқот фарази (гипотезаси).....	19
<b>7-мавзу.</b> Илмий изланишда башоратнинг аҳамияти.....	23
<b>8-мавзу.</b> Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий қоидалар.....	26
<b>9-мавзу.</b> Илмий янгиликлар ва уларни асослаш .....	29
<b>10-мавзу.</b> Тадқиқот хулосаларини шакллантириш ва умумлаштириш .....	32
<b>11-мавзу.</b> Тадқиқот натижалари ва илмий концепциясини ҳимоя қилиш .....	34
<b>12-мавзу.</b> Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш технологияси .....	36
<b>13-мавзу.</b> Манба, адабиётлардан фойдаланиш ва библиография тузиш тартиблари .....	39
<b>14-мавзу.</b> Тадқиқотда чизма, сурат, график тасвирлардан фойдаланиш .....	42
<b>15-мавзу.</b> Иловалар ва уларни шакллантириш тартиблари.....	43
<b>16-мавзу.</b> ОАК томонидан докторлик диссертацияси ва эълон қилинган илмий ишларга қўйиладиган талаблар .....	44
<b>17-мавзу.</b> Илмий-тадқиқотнинг гуманистик ва социоантропологик моҳияти....	47

**Алемасов Виктор**  
фалсафа фанлари доктори;

**Мамадалиев Шавкат Олмасбаевич**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ:  
МЕТОДОЛОГИЯ, МЕТОДИКА, ИЖОДИЁТ**

*Катта илмий ходимлар-изланувчилар ва  
мустақил изланувчилар учун ўқув қўлланма*

Иккинчи қисм

*Муҳаррир Ж.Э. Холов*  
*Техник муҳаррир Д.Р. Джалилов*

Босишга рухсат этилди 22.06.2016. Нашриёт-ҳисоб табағи 7,5

Адади 20 нусха. Буюртма № ... .

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.